*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2017-yil 13-oktyabr №42 (4440)

## ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ СОЧИ КЕНГАШИ

**Жаҳон кўламида ижтимоий-сиёсий жараёнлар тобора кескин тус олаётган ҳозирги шароитда турли минтақаларда жойлашган давлатлар бошлиқларининг бир жойда йиғилиб, дунё аҳамиятига молик долзарб масалаларни ўзаро кенгашиб, маслаҳатлашиб олишида катта ҳикмат бор.**

Зотан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз бундан олти аср бурун: "Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан бажо келтириш зарур", деган кўрсатмалари бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 10-11 октябрь кунлари Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги иштироки МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь куни бўлиб ўтди. Сочидаги Халқаро конгресслар марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди. МДҲ давлат раҳбарларининг тор доирада учрашувида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштиришга доир масалалар муҳокама қилиниб, минтақалар ҳамда халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб, аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқалар ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шу йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДҲ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ўсган. Мамлакатимиз мазкур тузилмадаги иштирокини янада фаоллаштиради. Шу муносабат билан 3 ноябрь куни пойтахтимизда МДҲ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилишини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Президентимиз аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини ҳам қайд этди. Ўзаро интеграциялашган транспорт тизимларини ривожлантириш, Ҳамдўстлик минтақасининг улкан транзит салоҳиятидан тўкис фойдаланиш барча давлатлар учун манфаатлидир. Туризм соҳасидаги имкониятларни тўла ишга солиш учун бу имкониятларни таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Муносабат

Давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ҳамдўстлик мамлакатлари Парламентлараро ассамблеяси фаолиятини такомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривожлантириш, келгуси йилларда МДҲ маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда, шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор ҳамда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир яна кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг саммит доирасида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари аниқ амалий мазмун билан бойигани таъкидланди. Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли даражада фаоллашиб, ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан. Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида мамлакатимизда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш кузатилмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Россия бизнес-форумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истиқболли келишувларга эришди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида кооперация кучаяётгани, бизнес вакиллари ҳамкорлиги кенгаяётгани, халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашувида кейинги пайтда икки мамлакат муносабатлари фаоллашгани, ўзаро савдо айланмаси ошгани таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланилмаётган катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйларини кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенкони Ўзбекистонга таклиф этди.

МДҲ давлат бошлиқлари машварати ҳамда шу тадбир доирасидаги учрашувларда эришилган якдиллик ва ўзаро келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ишончли муносабатларни янада мустаҳкамлаб, бекиёс тараққиётга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## "ДЎСТЛАР КЛУБИ"НИНГ ШАРОФАТЛИ ИШЛАРИ

*Халқимиз қалам аҳлини ҳамиша эъзозлаб келган. Бироқ яқин ўтмишда бўлгани каби "Ҳақиқий истеъдодлар ўзига йўл топиб кетаверади", деган тушунча ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермас экан. Бу яқин ўтмишимизнинг аччиқ хулосаларидан бири. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида* ***"Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган муҳтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз"****, деб таъкидлаганлари бежиз эмас.*

Ўртада бегона йўқ

Дарҳақиқат, бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай меҳнат, бинобарин, истеъдод вакилларининг ижодий меҳнати ҳам муносиб рағбатлантирилишида ҳикмат кўп. Ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан юзага келмайди. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг ижод аҳли билан учрашуви ва дилдан мулоқот қилиши уларнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Қалбларига ғайрат ва завқ улашди. Ёзувчилар уюшмасига ижод аҳлидан келаётган мақолалар, эътироф, истак ва таклифлар мазмунидан кўтаринки ижодий руҳни англаш қийин эмас. Кино, театр, адабиёт ва журналистика соҳасида фаолият юритаётган адиблар, Президентимизнинг ғамхўрлиги ва эътибори учун ўз миннатдорликларини изҳор этишмоқда.

– Ҳаётдан завқланувчи шоир ёзган шеър ҳам завқли бўлади, – дейди устоз адиб Муҳаммад Али. – Бадиий асарни ижодкор кўнглига тутилган ойнага қиёслаш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, турмушидан кўнгли тўқ ёзувчи асарининг мағзи ҳам тўқ бўлади. Муҳтарам Президентимиз адабиёт, умуман, ижод аҳли муаммоларини ҳаммамиздан кўпроқ билишлари, уларнинг ечими йўлида қанчалик жонкуяр эканликларини кўрдик. Маърузаларида жуда кўп муаммолар қамраб олинди.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

## Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "Ҳарбий-Ватанпарварлик" мавзуида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида Республикамизда "тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз даҳлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилгани, айнан миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат, тоғдек таянч бўлиб келаётганлиги" эътироф этилди.

Шунингдек, Юртбошимиз 2017 йилнинг 28 август куни Самарқандда сайёр видеоселекторда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва ижросига алоҳида эътибор қаратиб, армияда мардлик ва матонат мактабини ўтаган ёшлар жонажон Ватанимизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик руҳидаги режа ва дастурларни бажаришда асосий куч бўлиб майдонга чиқаётганлигини таъкидлади. Йиғилишда бугунги кунда ҳарбийлар мавзусидаги ғоявий-бадиий савияси етук, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги бадиий ва мусиқий асарлар, ҳарбий, тарихий мавзудаги кинофильмлар яратишда фаоллик етишмаётгани қайд этилди. Бу йўналишда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари, етакчи адабиёт ва санъат арбоблари ҳамкорликда самарали фаолият олиб боришлари кераклиги таъкидланди.

**Давоми тўртинчи саҳифада.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмаилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 10 октябрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 1-илова*

## «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1.«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2.«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3.«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4.«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 2-илова*

## «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ







«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги – 2,2 миллиметр.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, таралаётган қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган ҳилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган «25» ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли «YIL» ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тасвири акс эттирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалли доирада «O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA» сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказда иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида бир-бирига туташтирилган ҳолатдаги иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказда «2017» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сариқ рангли энсиз чизиқлар билан ҳошияланган эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи – 16 миллиметр, эни – 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

# "ДЎСТЛАР КЛУБИ"НИНГ ШАРОФАТЛИ ИШЛАРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Атоқли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг бир вақтлар ҳазил аралаш айтган мана бу сўзлари ҳам бежиз эмасди: "Ҳошимжон менга ўғил қатори бўлди. Унинг орқасидан уй қилдим, тўй қилдим, машина олдим. Бугун эса битта китоб чиқариш учун шуларнинг барини сотишга тўғри келади"... Адибларимиз айни донишмандлик ва ижодий балоғат палласи бўлмиш нафақа даврида асар ёзса, ё гонорардан ёки пенсиядан воз кечишга мажбур бўлган эди. Учрашувда Президентимиз ижодкорларни узоқ вақтлардан бери қийнаб келаётган бундай муаммоларни ҳам тилга олиб, уларнинг ечимини кўрсатиб берди. Бугун фидойилик ва шижоат билан ижод қилаётган адиблар қувончини ҳис этиш қийин эмас. Кўнгиллар чароғон, ижодий жўшқинлик. Ҳар бир ижодкор билан гаплашсангиз, янги-янги режалардан гап очади...

"Бугун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан. Аждодларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг вужудга келишида аввало ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамият касб этгани яхши маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда, яна бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг "Дўстлар клублари"ни ташкил этсак, уларга йирик корхона, банк ва компанияларни ҳомий сифатида бириктириб қўйсак, шартнома асосида уларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйсак, нима дейсизлар?". Муҳтарам Президентимизнинг бу таклифи учрашув аҳли – барча ижодкорлар томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

Халқимиз бежиз "Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди", деб айтмайди. Адабиёт ва маърифат – кўнгилларни, элларни ўзаро боғловчи буюк восита. Молия-иқтисод соҳасида, хусусан, акциядорлик тижорат "Халқ банки" тизимида ҳам адабиёт ва ижод аҳли билан мулоқотларга доимий эҳтиёж мавжуд. Шу боис ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувдан сўнг "Халқ банки" томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан дўстлар клуби ташкил этилиб, адабиётни ривожлантириш, адибларни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тадбирлар белгилаб олинди. Қалам аҳли ва банк ходимлари ҳамкорлигини "Маънавият ва иқтисод уйғунлиги" деб таърифлаш ўринли бўлади! Банк жамоаси фақат ҳисоб-китоб илмида эмас, адабий мавзуларда ҳам чуқур фикрловчи мухлислар эканлиги адибларни қувонтирди. Соҳа вакиллари орасида бадиий ижодга қизиқувчи ҳаваскор қаламкашлар борлиги нур устига нур. Тез орада Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Республика акциядорлик тижорат Халқ банки, Бадиий академия ва Бастакорлар уюшмаси ўртасида "Дўстлар клуби" тузилди. Клубни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. 2017-2018 йиллар давомида бу концепцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Яхши ниятлар кўп, режаларнинг айримлари эса қуйидагилардан иборат:

*– Халқ банки вакиллари ва Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан вилоятларда ижодий учрашувлар ўтказиш;*

*– Халқ банки вакиллари ва Ёзувчилар уюшмасининг "Дўстлар клуби" ҳамкорлигида ёзувчиларнинг юрт бўйлаб саёҳатини уюштириш, уларни вилоятлардаги музейлар, тарихий обидалар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, саноат мажмуалари билан яқиндан таништириш;*

*– Истеъдодли ёш таржимонларни тайёрлаш, ўзбек адабиётининг етук намуналарини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш;*

*– Ёзувчилар уюшмаси қошида Бадиий таржима маҳорат мактабини ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини яратиш, малакали мутахассисларни жалб этиш;*

*– Уюшманинг халқаро адабий алоқаларини ривожлантириш, қардош давлатлар ўртасида "Адабиёт кунлари"ни ўтказиш;*

*– Таниқли адибларнинг хорижий мамлакатларга ижодий сафарларини уюштириш, қардош халқлар, қўшни юртлар ва чет мамлакатлардаги адибларнинг уй-музейлари, тарихий обидаларга саёҳатини ташкил этиш (илк сафарни ҳазрат Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги қабрини зиёрат қилишдан бошлаш таклиф этилади);*

*– Адибларимизнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган адабий анжуманларда иштирокини таъминлаш, шу орқали миллий адабиётимизни янада ривожлантириш ва тарғиб этиш, ижодкорларимизнинг бадиий тафаккурини кенгайтириш;*

*– Уюшма поликлиникасини янги рентген аппарати ҳамда ИФА лаборатория ускунаси (қондаги вирусли инфекциялар ҳамда қондаги гармонларни текшириш учун) билан таъминлаш ва ҳоказо...*

Халқ банки томонидан Уюшма тавсиясига биноан 20 нафар кам таъминланган ва моддий имконияти чекланган ижодкорнинг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандларига имтиёзли таълим кредитлари ажратиш белгиланди. Ўн нафар ижодкорга имтиёзли истеъмол кредитлари ажратишга келишиб олинди. Фаол тўққиз нафар ижодкорга Халқ банкининг "Бўстонлиқ" дам олиш масканига оилавий йўлланма ажратилди.

Банкнинг вилоят ва туман (шаҳар) филиалларида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил қилинмоқда, шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси томонидан эллик номдаги китоб банкнинг Маънавият хонасига тақдим этилди. Уюшма муассислигидаги адабий нашрларга Халқ банки ходимлари ва банк мижозларининг обунаси ташкил этилмоқда.

Куни кеча Халқ банки ходимлари, бир гуруҳ ёш ижодкорлар ҳамда Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Онажоним шеърият" тўгараги аъзоларининг Ғафур Ғулом уй-музейига экскурсияси уюштирилди. Атоқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги олдидан Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон-Қирғизистон дўстлик жамияти, Халқ банки ҳамда ЎзМУ қошидаги Чингиз Айтматов маркази ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, Самарқанддаги тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш мақсадида бир гуруҳ таниқли ёзувчилар, шоирлар Халқ банки томонидан ташкил этилган автобусда Самарқанд шаҳри бўйлаб ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Сафар давомида маънавият масканларида китобхонлар билан ўтказилган ижодий учрашувлар ва давра суҳбатлари мухлисларда катта таассурот қолдирди. Ёзувчилар уюшмаси билан Халқ банки "Дўстлар клуби" ҳамкорлигида пахтакорлар ва ҳашарчилар ҳузурида ижодий учрашувлар, маънавий тадбирлар ўтказилмоқда. Халқ банкининг Қорақалпоғистондаги бошқармаси ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси "Дўстлар клуби" томонидан ҳам ижодий учрашув ва маданий тадбирлар уюштириляпти.

Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими ва Халқ банки вилоят бўлими ҳамкорлигида Қарши тумани далаларида пахта тераётган банк ходимлари билан ижодий учрашув ташкил этилди. Шоирлар Ўроз Ҳайдар, Али Ниёз ва Нилуфар Умарова теримчи ҳашарчиларга шеърларидан ўқиб беришди. Тадбир сўнгида энг илғор теримчиларга Халқ банки вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Яқин ҳамкорликда ўтказилаётган бундай кенг қамровли ва сермазмун тадбирларимиз кўп. Айтиш кераки, булар – ҳамкорликнинг илк босқичидан айрим лавҳалар, холос.

Ҳа, қалам аҳлининг жўшиб, тўлиб-тошиб ижод қиладиган вақти келди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан Халқ банки "Дўстлар клуби" ҳамкорлигида Андижон вилоятининг Асака, Олтинкўл, Андижон, Бўз туманларида пахтакорлар ва ҳашарчилар ҳузурида ижодий учрашувлар, маънавий тадбирлар бўлиб ўтди.

* * *

Шундай тадбирлар Қорақалпоғистонда яшаб ижод қилаётган адиблар, шоирлар ва Халқ банки ходимлари иштирокида Нукус шаҳри, Хўжайли ва Шуманай туманларида ҳам ўтказилди.

Қорақалпоғистон халқ шоири Халила Давлатназаров, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиев, шоирлар Жуманияз Ўтаниязов, Ҳайитбой Абдусодиқов, ёзувчи Маҳмуджон Абдуллаев фаол иштирок этди.

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## ХИРМОНГА БАРАКА

*Пахталар тўкилган йўллар ёқалаб,*
*Кезаман...*
*Эртаклар айта бошлар куз.*
*Пахтазор ичидан этак орқалаб,*
*Чиқиб келар илдам хирмон сари қиз.*
*Ипак сочларини эркалар шамол,*
*Кўзига суртади қўлларин қадоқ.*
*Бармоқларин тилиб олгани учун*
*Рўмолидан тортиб узр сўрар чаноқ.*
*Ортидан саболар ошиқдай чопар,*
*Офтоб қорайтирган буғдой юзини –*
*Терларини артиб қўймоққа шошар*
*Иқбол тераётган чевар қизини.*
*Ахир тупроққамас, қора чигитни*
*Кўксига қадади деҳқон отаси.*
*Ўзини унутти, уйин унутти,*
*Юрагида ўсди шу жон толаси.*
*Тоғдай елкасида юртни кўтарган*
*Отага муносиб бўлмоқ армони.*
*Ҳазрати Хизрга ўхшатар шу дам –*
*Оппоқ яктак кийган Ўзбекистонни.*
*Ҳар тонг этак тутар меҳрин этиб чош,*
*Тўлдиргиси келар шу юртни шонга.*
*Оппоқ дуррасига ботади қуёш*
*Яна етмоқ учун*
*Мунаввар тонгга.*
*Теримчи қиз каби мен ҳам саҳархез,*
*Хирмонга барака тўкмоқ умидим.*
*Бир этак пахтанинг ўрнини босса,*
*Қабул эт шеъримни, эй деҳқон юртим!*

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

**Яқинда телевизорда бир кино кўрдим. Тўртинчи синфни тугатган болани отаси рақс мактабига олиб борди. Савол-жавоблар натижасида у имтиҳондан ўта олмади. Лекин ҳакамлар ҳайъати аъзоларига бу камгап, оғир-босиқ боланинг «нимасидир» ёқиб қолди. Чиқиб кетаётганида ҳайъат раиси ундан сўраб қолди: «Сен рақс тушаётганингда нимани уйлайсан?". Бола ўйланиб жавоб берди: «Аввалига бироз эсанкираб тураман, ўзимни очилаётган гулга ўхшатаман. Рақсга туша бошлашим билан ҳамма нарсани унутаман, хаёлан қушга айланаман. Кейин эса учавераман, учавераман...».**

# "ОМБОРХОНА"ДА НИМА БОР
## ёхуд набирамга мактуб

Болакайнинг жавоби ҳаммани лол қолдирди. У уйига имтиҳондан ўтолмадим, деб кириб борди. Икки ҳафтадан кейин унга рақс мактабига қабул қилингани ҳақида хабарнома келди... Кейинчалик, шу бола рақс бўйича жаҳонга танилган моҳир рақкос бўлиб етишди. У ўзи севган касб бўйича шуғулланаётганда ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиғи билан киришиб кета олгани учун рақс мактабига қабул қилинди, танлаган касбига эришди ва мақсадига етди. Бу қатъиятли инсон умридан жуда ибратли бир лавҳа.

Шу лавҳа таъсирида фикрларимни йиғиб, сенга мактуб ёзишга қарор қилдим. Иқтисодчи бўлмоқчи экансан, талабалик даврингда (тўрт йил жуда катта вақт ва имконият) ҳамма нарсани унутиб, бутун вақтингни, имкониятингни, куч-ғайратингни шу касбнинг барча икир-чикиригача пухта эгаллашга сарфлашинг керак! Унутма, ҳар йили минглаб касб эгалари, шу жумладан, иқтисодчилар ҳам ўқишни тугатиб, катта ҳаётга қадам қўйишади. Лекин уларнинг айримлари хорижда тентираб, дуч келган ишни қилиб, кун кўришга мажбур бўляпти. Ҳатто дипломли, касби бўйича олий маълумотли бўлса-да, билимсиз ва қалбан нотавон, сўқирлиги учун субутсиз гуруҳларга қўшилиб, ватангадо бўлганлар, азиз умрига завол келтирганлар бор. Бундайлардан Яратган эгамнинг ўзи асрасин, лекин шундай гумроҳлар ҳам орамиздан чиқиб қоляпти. Сабаби битта: улар қоғоздагина олий маълумотли бўлиб, ўзини, билимини, ғурурини ҳимоя қила олмай, тўрт йил вақт сарфлаб ўрганган касбини улуғлай олмаган, савиясиз ва тутуриқсиз кимсалардир.

Унутма, баъзилар учун вақт умр ўлчовигина холос, аслида эса, вақт – табиат инъом этган улкан имконият. Агар сен ҳам тўрт йилдан кейин ўзингни шулар орасида кўришни истамасанг, сўзларимга қулоқ сол. Мутахассислар аниқлашича инсоннинг асаб тизими 14 триллион ҳужайрадан иборат экан. Лекин умри давомида унинг 12-15 фоизидангина фойдаланар экан, холос. Бу табиат бизга ато этган улкан захира, мислсиз имконият. Лекин, афсуски, бу имкониятнинг 85 фоизидан кўпи қандай яратилган бўлса, шундайича қолиб кетар экан. Бунинг ҳам сабаби бор...

Бекорга инсон миясини ёнғоққа ўхшатишмайди. Ғадир-будур, чексиз бурмалар... Бобомнинг бобоси қайси бурмалардан фойдаланиб яшаган бўлса, бобом ҳам, отам ҳам, мен ҳам шу бурмалардангина фойдаланганмиз, холос. Ота-она, ака-опа, устозлар нимани ўргатган, қайси бурмалардан фойдаланган бўлса, биз ҳам ўшангагина эга бўляпмиз. Ижодкорлик, яратувчанлик, бунёдкорлик билан янгиликлар яратиш, яшин тезлигида ўсиб бораётган даврга мос, комил инсон бўлиб етишиш учун миямизнинг бошқа бурмаларидан ҳам фойдаланмоқ зарур. Нариги бурмага – жилғага ўтиш учун аввал яқин тепаликка чиқиб олишимиз керак бўлади. Бунинг учун табиат бизга ато этган куч-ғайрат, ирода, сабот ва матонат каби хусусиятларни ишга солиш керак. Тепага чиқиб олсанг, биласанми, нариги жилғада нимани кўрасан? Қатор-қатор, янги, оҳори тўкилмаган, «евротаъмир»дан чиқарилган, ҳали фойдаланилмаган «омборхоналар»ни кўрасан.

Эҳ-ҳе, ана шунча омборхона бўш турганда биз ота-она, устозлар очиб берган бир нечагина омборхонага, бир умр топган-тутганимизни пала-партиш қалаштириб ташлайверамиз. Яна, ҳар бир омборхона олдида «тепса тебранмас» омборчилар мудраб ўтирибди. Янги нарсаларни олиб борингчи, улар осонликча қабул қилишармикан? Ҳе, йўқ! Сиздан қабул қилиб олиб қаерга ҳам қўйишади?... Шунинг учун ёш ўтган сари, миянинг қабул қилиш қобилияти сусаяр экан.

Сен ана шу янги омборхоналардан бирини очиб тепасига «иқтисод» деган ёзувни илиб, мавжуд омборларда йиғилган иқтисодга доир «нарсалар»нинг ҳаммасини йиғиштириб келиб, тартиб ила жойлаштиришинг билан, бу омборхона эшигида ҳам омборчи-қоровул пайдо бўлади. Лекин у ёш, навқирон, соғлом, зукко, абжир, талабчан бўлади ва у доим сендан омборхонада етишмайдиган нарсаларни олиб келишни «талаб» қилиб туради.

Одам қанча кўп ўқиса, ўрганса шундагина билмаган нарсалари кўплигини тушуниб етади ва уни ўрганишга эҳтиёж сезади. Сен институтда ўқиётган пайтингда ана шу «иқтисод» омборини барча керакли манбалар билан тўлдириб бўлишинг керак. Она табиат сен учун яратиб қўйган бешта хазина бор: 14 триллион асаб толалари, хаёл кучи, ақл кучи, ишонч кучи ва руҳий кучлар. Хаёл – табиатда мавжуд энг катта тезлик, яъни атомдан ҳам катта тезликда ҳаракатланадиган «асов от». Уни фақат илм, тафаккур, борлиққа, ҳақиқатга таянган АҚЛгина бошқара олади. Демак, ҳар томонлама пухта билимга эга бўлмоғинг керак! Шундагина «асов от» измингда бўлиб, 85 фоиз имконият сари «юриш» қилишинг, бунёдкор, мўъжизакорга айланишинг, ишонч ва мустаҳкам руҳий кучга эга бўлишинг мумкин.

Бунинг учун, албатта, ўйин-кулги, тўй-томоша, кеча ва учрашувлар, компьютер ва телефонда ортиқча банд бўлишлардан воз кечиш керак. Ғалаба қурбонсиз бўлмайди! Бир вақтлар ҳурматли домлам менга таъкидлаганидек, ҳозир ҳамма нарсани унутиб каллага билим тўплаш керак, билим! Бўйнингни бақувватлиги – билимдан. Каллада билим бўлсагина бўйин уни «ғоз» тутиб тура олади. Шундагина орзу-умидларинг амалга ошади, мақсадингга етасан. Ўзингга нисбатан қатъий ишонч ҳосил бўладики, бу ишонч кучи келажагингни, тақдирингни, бахт-иқболингни белгилаб беради. Шунда омад сенга кулиб боқади, сен ғалабага эришасан.

Мен ота касби, она касби, ген, хромосома, насл каби нарсаларни тан олгим келмайди. Инсон ўзининг дангасалигини, ялқовлигини хаспўшлаш учунгина бу ибораларни ўйлаб топгандек. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги авлодга нисбатан катта устунликка, куч-қудрат ва имкониятга эга бўлмоғи керак. Бунинг учун, албатта, миянинг кейинги бурмалари – имкониятлари, сир-асроридан воқиф бўлиш керак. Янги "омборхона"да пайдо бўлган қоровул ҳам осмондан тушмайди. Ақл кучи билан хаёл кучи бирлашиб, руҳий кучни вужудга келтиради. Сенинг қоровулинг – сенинг руҳий кучинг. Қанча мустаҳкам руҳий кучга эга бўлсанг, шунча катта муваффақиятга эришаверасан. Унутма! Сенга ҳар лаҳза «ялқовлик» деб аталувчи маслаҳатгўй ҳамроҳлик қилади. Жиндай ён берсанг бас, учқур отинг – хаёл деб аталган жонажон дўстинг «ишчан омборчингни» йўлдан уриб, ўзига оғдириб олади. У ҳолда ҳаёт, умр ўтаверади ва сен ҳеч нарсасиз, қўлингни бурнингга тиқиб қуруқ қолаверасан.

1983 йилда АҚШлик олима Барбара Мак Клинтон ўз тадқиқотларида «ген»лар ўзгарувчи эканини исботлаб, бу тадқиқоти учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Демак «ген» ўзгарувчи, яъни инсон ўз қобиғидан чиқиб кетишга дадил уринса, интилса бас...

Хўш, инсонда «ген» ўзгармас деб тан олдик ҳам дейлик, бу ҳолда бизнинг қонимизда, генимизда, хромосомамизда, насл-насабимизда Авесто, Мангуберди, Амир Темур, Беруний, Сино, Форобий, Жомий, Навоий, Хоразмий, Улуғбек, Рустам, Алпомиш каби алломаю паҳлавонларнинг қони оқаётганини ҳисобга олсак, бизнинг ёшларимиз гени дунёдаги энг илғор, фаол, бунёдкор, ижодкор генлардан дейишга ҳақлимиз. Демак, бизнинг билимли, ғайратли, ижодкор ёшларимиз учун бу жиҳатдан ҳам дунёни билиш, илмли бўлиш, улкан кашфиётлар яратишга куч-қудрат, имкониятлар етарли эканини кўрсатиб турибди.

Ҳаёт мазмуни тежамкорликдан иборат. Вақт иқтисоди, мол, пул, товар иқтисоди, энергия, куч-қудрат ва ҳоказо иқтисодлар. Жиндаккина тежамкорлик билан қуп-қуруқ жойда олтин тоғ бунёд қилишинг мумкин, ва жиндаккина исрофгарчилик билан, олтин тоғ устига ўтирғизиб қўйса ҳам, озгина фурсатда бу тоғни барбод килишинг мумкин. Иқтисод – бу нималаргадир эгалик қилиш имконияти ҳамдир. Мол, пул, бойлик, куч- қудрат, иззат-ҳурмат, соғлик, фаровонлик, мустақиллик, ободлик, тотувлик, бахт ва ўзингга бўлган ишонч кучи.

Аниқ мақсад, қатъий ишонч шундай кучки, у инсоннинг ички имкониятлари – ички энергияси, куч-қудратини ишга солиб, ижодкорлик, яратувчилик, бунёдкорлик, улуғворлик ва мўъжиза яратиш сари етаклаб, охир-оқибат кўзлаган мақсад-муддаосига, ғалаба марраларига, бахт-иқболга етказади.

**Дадажон ДОМЛАЖОНОВ,**
**олий тоифали ўқитувчи.**
*Наманган вилояти, Косонсой тумани*

Очиғини айтганда

# "ҲАЛИНЧАК-О, ҲАЛИНЧАК, ҚУЛОҒИНГДА ТЕЛЕФОНМИ, КЕЛИНЧАК?.."

Ҳамма ишдан келган, уй юмушлари тугаб, кечки овқат ҳам еб бўлинган. Бошингизни кўтариб, бир қаранг-чи, ким нима билан банд экан? Оила бошлиғи – фарзандларига ибрат бўладиган ота нима қилаяпти? Бош тарбиячи она-чи? Ўғил-қизларимиз-чи?...

Барчамиз машҳур, бой-бадавлат ва ҳаётда яхши ном қолдирган инсонлар ҳаётига ҳавас қиламиз. Камига уларга ўхшашни ҳам истаймиз. Аммо ҳаракатларимиз орзуларимиз чорлайдиган йўлдами?

Эл ардоғидаги аждодларимизнинг таржимаи ҳолларини ўқисак, деярли барчасида «Уйимизда Навоийхонлик, Бобурхонлик, Бедилхонлик, Машрабхонликлар бўларди.. Отам кўзларида ёш билан «Алпомиш»ни, «Кунтуғмиш»ни ўқирди, «Гўрўғли»дан айтиб берарди...» деган сўзларга дуч келамиз. «... Бувим чироқ ёруғида эртак ўқиб берарди. Биз сандал атрофида тизилишиб ўтириб, эртак тинглардик... Бувим, ойим ўқиб берган эртаклар мени улғайтирди» каби гапларни ҳам кўп эшитганмиз. «Дадам доим китоб олиб келарди... Туғилган кунларимизда китоб совға қиларди... «Ўткан кунлар»ни ўқиб бериб, китобга меҳр уйғотган ота-онамга раҳмат дейман!» каби дил изҳорларини радио ва ойинаи жаҳон орқали кўп тинглаганмиз.

Аммо бу гаплардан доим ҳам ўзимизга тегишли хулоса чиқарганмизми? Эҳтимол, шунинг учундир айримлар ҳануз: "Навоий ғазалларини чуқур идрок этолмайман, "Бобурнома"ни тўкис тушунолмайман", дейди. Аслида уларнинг ўқишга вақти ҳам, қунти ҳам йўқ. Чунки, хаёлида нуқул телефон, нуқул интернет□ «Телеграм»да каналлар кўп. Бирида янгиликлар, бирида янги шеърлар, бирида ҳикоялар, бирида ҳадислар ва пайғамбарлар ҳаёти, бирида бетакрор тавсиялар.... Хуллас, телеграмхонлик! Ҳозир техника, интернет асри. Виртуал оламга кирамизу, ҳаммасидан хабардор бўламиз. Аммо бугун ўқиган нарсамизни эртага эслолмаймиз. Чунки мушоҳада қилмаймиз. Сабаби, бу хабарлар, маълумотлар дақиқа сайин янгиланиб, ўзгариб, турланиб, тусланиб туради. Уларни ўқийвериб эмас, кўравериб ўзимиз ҳам шунга мослашиб қолганмиз.

Бу кетишда вақти келиб, фарзандларимиз ўз ёшлиги ҳақида сўзлаганда: «Ҳаммамизнинг қўлимизда телефон бўларди. Қишнинг узун кечаларида ҳам, ёзнинг қисқа тунларида ҳам бизнинг уйда телеграмхонлик бўларди. Телефон ҳаётимизнинг мазмуни эди. Ҳатто ресторанда ёки тўй-маъракада ўтирсак ҳам ўзимизни ўзимиз суратга олиб, шу ернинг ўзида интернетга, телеграмга жойлаштириб, томоша қилишни яхши кўрардик. Интернетга боғланиб, сеҳрланиб қолардик..." дейдими?

* * *

"Бой амр қилмаса, бойбича хамир қоримас", деган мақол худди бизнинг бугунги аҳволимизга қараб айтилгандек. Нега дейсизми?

Бугун оталарда орзу ҳавас кўп, масъулият катта, талаб жуда юқори. Икки фарзанди бор ота ҳам, беш фарзанди бор ота ҳам бирдек югуради. Иши бошидан ошган. Саҳар чиқиб кетиб, ярим кеча кириб келади. Чунки эҳтиёжларимиз катта. Шунга яраша маблағ топиш керак.

Ҳаётнинг бундай ташвишларидан чарчаган аксарият оталар кечқурун кўнглига қил сиғмай, чертса йиқиладиган бўлиб уйга келади ва овқатини еб ухлаб қолади. Ухламаса, дам олиш учун телевизор кўради ёки у ҳам телефон ковлайди, интернетга киради. Чунки кундузи вақти бўлмаган. Отанинг аҳволи шуми, болалар ҳам секин-секин дастурхон бошидан туришади-да, бири телевизорга ёпишади, бири телефонга.

Уй бекаси онанинг эса кечқурун қиладиган иши деярли йўқ. Чунки кир ювиш машинаси кирларни ювади, уйлар чангютгичда тозаланади, гиламлар қоқилмайди. Нон сотиб олинади, супермаркетлар ярим тайёр маҳсулотларга тўла. Овқат бир зумда тайёр бўлади. Эр, болалар ўзлари билан ўзлари. Аёл нима қилади? У ҳам телефонга ёпишади-да.

Энг ёмони – бугунги болалар ҳа деганда ота-онасидан эртак ҳам сўрашмайди. Чунки «Болажон» канали бор! Эртак ҳам, мультфильм ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Ота-оналар фақат ишлаши, пул топиши керак. Ота (ёки она) буларни қилиш ўрнига китоб ўқиб ўтирса, таъна эшитиши ҳеч гапмас.

– Эй, қўйинг шу китобни. Энди китоб ўқиган билан қорин тўймайди! Вақтида ўқиш керак эди!

Хўш, вақти қачон эди? Қўлини белига тираб «Вақтида ўқиш керак эди!» дея жавраётган она ёки отанинг ўзи ўша вақтда нима билан банд эди? Ҳозир нима қиляпти? Болалари-чи? Фарзандларининг ўқийдиган, билим оладиган вақти эмасми? Улар нима қилишяпти? Уларнинг қўлидаги нима? Телефонми? Улар тикилаётган нарса нима? Китобми ёки газета-журналми? Қаёқда, планшет экан, дейсизми? Баракалла. Яхшилаб қарангчи, бешикда ётган боланинг бошидаги овоз ҳам телефондан чиқмаяптими? Анув эмаклаб юрган бола оғзига солаётган нарса нима? У ҳам телефон эмасми? Овқат пишираётган ёки ҳовли супураётган келинчакнинг қулоғидаги нарса нима? Телефон қулоқчини эмасмикан?

Ў-ҳў, аҳвол чатоқ-ку. Энди нима қиламиз? Ҳаммасини йиғиштириб отамизми? Йўқ, бундай ҳам қила олмаймиз. Энди телефонсиз кунимиз ўтмайди. Аммо интернетдаги турли керакли-кераксиз хабарлар, кўча-кўйдан, шифохоналардан, мактаблардан ёки ресторанлардан тасвирга олинган видеолар, турли клиплар, «прикол»ларни томоша қилиш, шулар ҳақида баҳслашишга ўрганиб қолганмиз. Улар орасида экстремистик оқим вакиллари ва тарғиботчилари йўқлигига ким кафолат беради? Юртбошимизнинг ўзи китобхонликка даъват этиб турган бир пайтда бундай телеграмхонликни йиғиштириб, ҳиссизлашиб бораётган қалбимиз, ўтмаслашиб бораётган хотирамиз ва ҳадсиз ахборотлар оқимидан чарчаган ақлимизга сокинлик, ҳаловат бахш этсак бўлмайдими? Ўткинчи нарсаларни муҳокама қилмасдан бир-биримизга ота-боболаримиз, юзидан нур ёғилиб тургувчи момоларимиз айтиб берган ҳикматлардан сўзласак, кўнглимиз чанг-ғуборлардан тозаланармиди? Болаларимизга, аввало, ўзимиз эртак ўқиб беришни ўрганайлик. Ёнгинамиздаги спорт мактабида ўтаётган мусобақага болаларимизни ҳеч бўлмаса томошага олиб борайлик, мактабда ўтаётган олимпидага ўзимиз ҳам бориб, ғолиб ўқувчиларнинг ҳаяжонини, уларнинг ота-оналари қувончини бирга кузатайлик. Зора, бизда ҳам, болаларимизда ҳам интилиш кучайса, мақсадимиз қатъийлашса...

Ишонаманки, ана шунда вақти келиб, «Вақтида ўқиш керак эди, ўрганиш керак эди!» деган гап ўрнига «Вақтида ўқиганимиз учун, ўрганганимиз учун» деган фахрли сўзларни айтамиз! Ўзимиздан ва болаларимиздан қувонамиз, фахрланамиз. Бу қувонч барчамизга насиб этсин!

**Холиёр САФАРОВ,**
**ёзувчи**

# БЎСТОНЛИҚДА ЁШЛИК СУРУРИ

Анжуман

**Шу йил 6-8 октябр кунлари Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар оромгоҳи"да юртимизнинг турли ҳудудларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ижод қилаётган 150дан зиёд ёш ижодкорларнинг I Республика форуми бўлиб ўтди.**

Ушбу анжуманни ташкил этишдан кўзланган мақсад адабиёт майдонига кириб келаётган янги овоз соҳибларини аниқлаш, улар ижодини ривожлантиришга кўмаклашиш, ёш ижодкорлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишдир. Шунингдек, форум доирасида китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш, устоз-шогирд анъаналарини сайқал топтириш, Ёш ижодкорлар кенгашининг келгусидаги фаолиятига доир таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова, Халқ таълими вазири ўринбосари Алишер Саъдуллаев ва бошқа ижодкорлар иштирокчиларга омад тилаб, самимий дил сўзларини изҳор қилишди.

Тадбир қатнашчилари учун назм, наср, драматургия, публицистика ва таржима йўналишларида семинар-тренинглар, маҳорат дарслари, амалий машғулотлар ташкил қилинди. Шунингдек, мактуб ёзиш анъанасини қайта тиклаш ва оммалаштириш, ижодкорларнинг қаламини чархлаш, бадиий асар даражасида ёзилган мактуб муаллифларини рағбатлантириш мақсадида "Форумда ёзилган энг гўзал мактуб" танлови ўтказилди. Саккиз нафар ғолибга сертификат ва бадиий асарлар жамланмаси тақдим этилди.

Анжуманнинг сўнгги кунида иқтидорли ёш ижодкорлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Республика ёш ижодкорлар кенгаши фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳа ҳамда таклифларни ишлаб чиқиб, иштирокчилар ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди. Халқаро кадрлар алмашинуви дастури, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сотиш ва сотиб олиш тизими, ёш таржимонларнинг маҳаллий тармоқларини яратиш, чет эллик ёзувчи-шоирлар иштирокида халқаро семинар-тренинглар ўтказиш, ёшлар иттифоқининг вилоят кенгашлари студиясида йўналишлари бўйича ёш ижодкорлар учун видеодарслар ва онлайн ижодий мактаблар ташкил этиш орқали масофавий таълим тизимини жорий қилиш, ҳудудларда адабиёт марказлари ташкил этиш каби йигирмага яқин лойиҳа ёш ижодкорлар кенгаши иш режасидан ўрин олди.

Форум якуни бўйича ёш ижодкорларнинг ижод намуналари жамланган баёз чоп этиш режалаштирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА



1975 йил Қашқадарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факултетини тугатган. “Айтолмаган сўзларим”, “Оқ хатлар”, “Қўй, дилим, суйгилим” сингари шеърий тўпламлари чоп этилган.

# БОҒЛАРДАН НАВО ТОПДИМ

## НАВОИЙНИ БИЛГАНЛАР

Дунёни билмоқ учун кимлар сафарга кетгай,
Билиб-билмай ногаҳон хавфу хатарга кетгай,
Навоийни билмоққа сафарбар асли дунё,
Навоийни билганлар мангу зафарга етгай.

Сўз деб майдонга тушсанг, бардош эрур Навоий,
Ҳақ жамолин кўрсатган — кўзёш эрур Навоий,
Дунёнинг ҳар томонин бирдек ёритган Қуёш,
Кўнгиллар саройида наққош эрур Навоий.

Девонлар қат-қатида шода-шода марварид,
Зулматда нур истасанг, топгайдирсан ахтариб,
Заминда туриб кўкни ром айлаган синоат,
Жаҳонда борму андоқ — шоҳ сатрда дил ғариб.

“Маҳбуб ул-қулуб”дирким,
чархламиш хуш забоним,
“Хазойин ул-маоний” кетмас davру давроним,
Ўркач-ўркач булутлар бошимга келсалар ҳам,
Руҳ парвози юксалган энг мусаффо осмоним.

Билки, барбод дилларни обод қилган Навоий,
Машаққатли йўлларда сабот бўлган Навоий,
Асрларнинг ортидан нигоҳ ташлаб оламга,
Жаҳолат зиндонидан озод қилган Навоий.

## КЎНГИЛ

Саҳроларни кезиб майин сабо топдим,
Гулбоғларни кезиб сирли наво топдим,
Сизни суйиб дардларимга даво топдим,
Кўнглингизни тополмадим, кўнглингизни...

Соғинганда сархуш тушлар кўрганимиз,
Лолазорда кўл ушлашиб юрганимиз,
Саробмиди, ишқ қасрини қурганимиз?
Кўнглингизни тополмадим, кўнглингизни...

Муҳаббатдан шиғил-шиғил боғим менинг,
Ҳижронларга ошно ёшлик чоғим менинг,
Садоқатим — ҳеч қуламас тоғим менинг,
Кўнглингизни тополмадим, кўнглингизни...

Беҳишт булоғида унган гулим қайда?
Куйлаганда тинмас бийрон тилим қайда?
Ишқингизда мен кутган пок ўлим қайда?
Кўнглингизни тополмадим, кўнглингизни...

Бунчалар зор бўлдим рост, саховатта,
Умрим тўлди алангага, ҳароратга,
Ёрижоним, шафқат қилинг Фароғатга,
Кўнглингизни тополмадим, кўнглингизни...

## БАХТДАН ЭГИЛДИ ШОХЛАР

Мезон шамолида тоблаб ҳисларни,
Сахий куз йўл солди чанқоқ боғларга.
Юртма-юрт учириб мовий қушларни,
Чинорлар қўл чўзди азим тоғларга.

Орзулар қизарди анорюз бўлиб,
Умидлар жой олди ҳилол ёнидан.
Ариқлар оқдилар ўпкаси тўлиб,
Олмалар ранг олди кўнгил қонидан.

Шода-шода бахтдан эгилди шохлар,
Булутлар ташрифи — энди ғам бўлмас.
Илҳом булоқлари қайнаган маҳал,
Ноклардек тўкилиш — шоирга ҳавас.

Дунёни тутмоқда япроқлар ҳиди,
Тириклик кўз сочар кузги боғларда.
О, севги, ғарқ пишган сатрлар аро
Ярашиб турибсан сирли чоғларга.

## БИР СЎЗ

Тангрим, мени уйғот, жоним ҳар ёна қил,
Суякларим қалам бўлсин, дилхона қил,
Гар нур истаб очсам дунё китобини,
Шу битта сўз теграсида парвона қил.

Хаёл уммонидан ўйлар сизиб ўтгай,
Вақт карвони қўнғироқлар тизиб ўтгай,
Мен ўзимни шу бир сўздан тополмасам,
Тоғ кўксимни саҳро қуми эзиб ўтгай.

Ўкинсам, ҳар оним сенга туташгайдир,
Силкинсам, ҳар ёним сенга туташгайдир.
Кўприклари омонат доғ дунёлардан
Бир сўз ила жоним сенга туташгайдир.

## ТАЛҚИН

Дарди пишиб-пишиб, кечроқ туғилган,
Катта давраларда ўқилмаган шеър.
Ўқилмасдан туриб, ёққандинг пинҳон
Ёнганимда унсиз, энди она ер.

Кулим совумасдан, тонгни кутмасдан,
Сочиб юборгандинг, денгизга етдим.
Ва лекин рўй берди сен кутмаган ҳол —
Тошларга урилиб жаранглаб кетдим.

## САДОҚАТ

Сиз тоғларни жуда севасиз,
Мана, ҳақ йўл,
Мана, ишқ тоғи.
Бедор бўлса қирқта жонингиз
Хатарлимас, асло у ёғи.
Садоқатни туғ қилиб боринг,
Ишончлардан тошлар ёрилур.
Фақат етмоқ учун у тоққа,
Юраклардан ўтиб борилур!
Садоқатни туғ қилиб боринг...

## ОЙ ЧИҚМАГАН КЕЧАЛАР

Шеърларимни йиртиб отдинг,
Гарчи озроқ шаҳдим паст.
Эрта шеърим тоғ кўксига
Ёзгайдирман қасдма-қасд.

Ой чиқмаган кечаларда,
Шовуллайди боғлар маст.
Шамолга бўй бермайин тик,
Ўсгайдирман қасдма-қасд.

Бошим узра қор ёғаркан,
Шўрлик шохлар чўкар даст.
Менчи, дилим ўтин қорга
Тўккайдирман қасдма-қасд.

Иккимизнинг орамизда
Қил кўприк бор, тонма, рост.
Гар истасам, кўзим юмиб,
Ўтгайдирман қасдма-қасд.

Менсимаса элимни ким,
Топтар бўлса қайси кас.
Ўч олмоққа қирқ жонимни
Тиккайдирман қасдма-қасд.

Жўра ФОЗИЛ

# ТЎЙ

Ҳикоя



1949 йили Бухорода туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факултетини тугатган. “Баркут мавсум”, “Бухоро элчиси”, “Бахт юлдузи”, “Менинг қизил гулим” сингари ҳикоя, қисса ва романлардан иборат китоблари нашр этилган. Ёзувчи ижодида оддий қишлоқ одамларнинг қувонч ва ташвишларини тасвирлаш етакчилик қилади. Таржимон сифатида атоқли рус адиблари Константин Паустовский ва Виктор Астафьевнинг қисса ва романларини ўзбек тилига ўгирган.

Маҳкам ота, ўз одатича, тонг қоронғусида уйғонди. Яна хаёлидан тўхтовсиз кечаётган ўйлар таъқиб эта бошлади. Кекса кишининг кўнгли ёмғир остидаги қишки боғ янглиғ ҳувиллаб қолар экан-да... Ота чуқур хўрсиниб чап ёнбошга ағдарилди, деразага тикилди, ҳали ғира-шира, эринибгина ўрнидан турди. Нари-бери бадантарбия қилган бўлиб, ҳовлига чиқди.

Уфқ ложувард тус олмоқда, ёз чилласи бўлса ҳам этни жунжиктирувчи салқин шабада эсарди. У мўъжаз чорбоғдаги ҳали мудроқ атиргулларга термулиб қолди. Атиргул бағридаги шабнам томчилари уни яна хаёл дарёсига ғарқ этди. “Э, воҳ, инсон кўнглидаги ёшлик, умр гулидан масрурлик ҳам шудринг томчиларига ўхшаб кетмасмикан?..”

Ҳали замон қуёш қиздира бошласа, биллур томчилардан асар ҳам қолмайди. Инсон кўнгли ҳам худди шундай: йиллар шамоли, ҳаёт ташвишлари қалб кенгликларидан мағрурлик-масрурликларни ҳайдаб чиқаради. Шунда бандаи ожиз ўйга чўмади: “Нега мен ёлғизланиб қолдим, нега яқинларим, қариндош-уруғ, дўстиёрон орасида ўзимни бунчалар ғариб, бенаво ҳис этяпман? Ёки умримни шамолга совурдимми, нотўғри яшадимми?..”. Тамомвассалом! Маҳкам ота қўл-бетини ювиб, ошхонага кирди, чой қўйди. Сўнгра ишком остидаги сўрига дастурхон ёзди.

Мана, бир ҳафтадирки, ота ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз, ҳамма оиланинг тўнғичи, ўғил уйлантираётган Жавлоннинг ҳовлисида. Ота эса ўзи билан ўзи овора. Ҳали чой қўяди, ҳали овқат пиширади, ҳали кўксини чангаллаб дори-дармон ахтаради. Бир ҳафта бурун ўғлиникига жўнаган хотини қорасини кўрсатмайди.

– Об-бо, кампир-ей, қариганда иссиқ-совуғимдан хабар олиб турасан десам, баҳона топилди дегунча уйдан қочасан. Ахир, юрагим хасталигини яхши биласан-ку! Ҳалиям, тўй куни ўғлимнинг қаватида турсам деб кеча-кундуз Оллоҳга илтижо қиляпман.

– Ҳеч кими йўқ, чол, – деди кампир тилла тишини ялтиратиб, илжаяр экан, – сиз ўзингизни бемалол эплайсиз. Тўйга барвақтроқ боринг, ўғлимнинг кўнгли тоғдек ўсади.

– Майли, бор, кампир. Ҳеч қурса, сен болаларнинг ёнида бўл.

Аслини олганда отанинг кўнгил хиралиги ҳам шу тўй тараддуди билан боғлиқ эди. Бироз ҳавойироқ катта ўғил бўлажак қудаси билан маслаҳатлашиб, тўйни ўзи яшаётган шаҳарчада эмас, катта шаҳардаги “Жаннат” тўйхонасида ўтказаётганидан ота андак оғринди:

– Нима қиласан бекордан-бекорга пул сарфлаб, “Жаннат”да етти юз меҳмоннинг жойи учун тунги асъасаю дабдаба қилиб?

– Қизиқмисиз, ота! Бизда етти юз кишилик тўйхона йўқ-ку!

– Бўлмаса, нима қипти? Тўйга етти юз кишини таклиф қил деб, биров бўйнингга қўяётгани йўқ-ку! Икки-уч юз меҳмон етарли.

– Ахир, қудамиз билан маслаҳат қилдик, орзу-ҳавас дегандек...

– Майли, – деди ота таъби хира тортиб, – орзу-ҳавас десанг, ўзинг биласан! Мен айтдим-қўйдим-да... Сирасини айтганда, етти юзта меҳмон билан ҳатто сўрашиб ҳам улгуролмасанг керак.

– Энди, ота, ёшларнинг кўнгли ўксимасин, деймиз-да. Улар ҳам бировдан кам бўлишни исташмайди, ахир!

– Майли, майли... Илоҳим, бахтини берсин!

* * *

Карнай-сурнай садолари етти маҳаллага етиб, гурас-гурас келаётган меҳмонларнинг кети узилмади. Табрик сўзлари бир-бирига уланди, тўй дастурхони тўкин-сочин, ичимлигу газакларнинг адади бўлмади... Хонандаю, созандаларнинг бўрондек гувиллаган товуши маст-алас бақириқ-чақириқларга қўшилиб, қулоқни тешиб юборгудек. Меҳмонлар кутиб олингач, Маҳкам ота тўйга ўзи таклиф қилган тенгқурлари даврасига бориб, уларга мулозамат қилди. Дўстлари ҳам уни қайта-қайта табриклаб, ёнларидан жой кўрсатишди. Дўст-бинодарлар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиш ниятида эдилар. Қаёқда дейсиз! Отарчиларнинг томоқ йиртиб бақиришидан, сўзни сўзга улашнинг имкони йўқ.

Тўй алламаҳалда тарқади. Улкан тўйхонада тўрт соат давом этган қаттиқ довул бирдан тинди, энди фақат дастурхонларни йиғиштираётган хизматчиларнинг ғўнғир-ғўнғир товушию идиш-товоқнинг шақир-шуқури эшитиларди, холос. Маҳкам ота хийла енгил тортган бўлса-да, қулоғи шанғиллар, чап кўкраги санчиб беҳузур қиларди. Ота зинапоя панжараларини ушлаб секин-аста пастга тушди ва тўйхонага киришдаги оромкурсида ўтирганича бу томошани кузатар, невара-келин кўрганига шукрона айтиб, кўзларида ёш ҳалқаланган бўлса-да, нимадандир кўнгли тўлмагандек эди. Ниҳоят, келин-куёвни ўраб олган ёш-яланг бақир-чақирни яна кучайтириб, тўй сабабчиларини “лимузин”га ўтказиш учун ташқарига олиб чиқишди. Маҳкам ота чуқур тин олди, “Хайрият-ей, келин-навкар қилишмабди!. Бўлмаса, ўғлим ўн беш-та қизни келиндек ясантириш учун яна ўн беш миллион сўм сочармиди?! Куёв-навкар – бу бошқа гап. Бу ўзимизнинг эски удум, минг йиллик қадрият. Энди, куёв деганингизнинг ёнида ўн-ўн беш жўраси бўлса, яхши-да!

У хаёлларини йиғиб олишга улгурмай, қаршисида беш-олти чоғли ўртоқлари қуршовидаги тўнғич ўғил пайдо бўлди. Йигитлар турган ерларида чайқалишар, гаплари пойинтар-сойинтар, бир-бирларини қучоқлаб “чўлп-чўлп” ўпишарди.

– Ота-а-а-а, — деди ўғил мастликдан кўзини сузиб, – ўзиям зўр тўй бўлди-да-а?! – Фарзанди қобил отасининг салқи ёноқларидан сизиб тушаётган ёш томчиларини кўрмасди. – Саккиз юз киши келди-я! Қудам иккаламиз бироз шошиб қолдик. Хайрият, қўшимча жой қилганимиз қўл келди.

Шу пайт ўғилни кимдир чақириб қолди, у нари кетди. Ўғилнинг бир маст ўртоғи келиб отанинг ёнига оғир чўкди ва унинг бўйнидан қаттиқ қучди. Ичкиликнинг қўланса ҳидидан чолнинг нафаси қисилиб, боши айланди.

– Амакижон, – деди маст йигит ҳаяжонга тўла овоз билан. – Шундай ажойиб тўй қилган мард-танти ўғлингиз учун бир ўпай! – Йигит отанинг серажин юзидан ўпа бошлади.

Яна ўша қўланса ҳиддан чолнинг кўнгли беҳузур бўлди. “Ё, Худо! Мен ўғлимни дабдабали тўй ўтказиш учун эмас, эл-юрт ишига ярасин, деб тарбиялаган эдим-ку!”, ўзича ёзғирди у.

Ота ўзининг сокин уйига қайтиб, ўрнига ҳорғин чўзилганида хўрозлар иккинчи қур қичқира бошлаган эди. Ҳадеганда кўзларига уйқу инмади. Тўйнинг шовқин-суронли гумбур-гумбури қулоқлари остида ҳамон акс-садо берар, чакка томирлари лўқиллаб оғрирди. “Эҳ, ўз қадрини билмаган нодонлар-а, наҳотки, дунёнинг иззат-икромига дабдабали тўйлар билан эришиш мумкин деб ўйласангиз? Ундан кўра савоб ишларга пул сарфласангиз яхши-ку! Ортиқча пулингиз бўлса бева-бечора, етим-есирларга улашинг. Уларнинг дуоси сизни Арши аълога кўтаради...”

Маҳкам ота шундай хаёллар оғушида ухлаб қолди.

* * *

Тўйдан сўнг бир ойча вақт ўтгач, келин тушырган тўнғичи ота-онасини йўқлаб келди. Чол-кампир билан ҳол-аҳвол сўрашгач, дастурхон четига омонатгина ўтирди. Унинг кўзлари олазарак, чеҳраси ғамгин эди. Ўғлининг шашти пастлигини дарҳол сезган ота уни саволга тутди:

– Нима бўлди, ўғлим, нега кайфиятинг бузуқ?

Ўғил кўзларини яширишга ҳаракат қилиб, паст товушда жавоб қилди:

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, ота... Шу тўйдан сўнг айрим муаммолар пайдо бўлиб қолди...

Ўғилнинг боши яна ҳам эгилди, пешонаси тиришди. Ота бирдан сергак тортди.

– Қанақа муаммо экан? Тортинмай айтавер, биргалашиб ҳал қилармиз... Мана, мен борман, укаларинг бор...

Бошини хам қилиб ўтирган ўғил бироз жонланди, отасига ёлворганнамо нигоҳ ташлаб, журъатсизгина деди:

– Шу, тўй харажатлари учун яқин бир оғайнимдан 20 миллион сўм қарз олгандим. Пешонамнинг шўрини қарангки, шу дўстимнинг 90 ёшни қоралаган онаси, мана, бир ҳафтадирки оғир касал, “ана кетди – мана кетди” бўлиб ётибди. Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлса, дўстим обрўми йигит, онасининг маъракасини ўтказиш учун пул керак бўлади. Ўзи қарзни қистагани йўқ-ку, лекин обрў борида пулни қайтарганим маъқулми, дейман...

Ота чайналиб ўтирмади, баҳона ҳам қилмади. Ўғлининг феъли тезлигини, сал нарсага дарҳол аразлашини яхши билади, тез жавоб қайтарди:

– Тўғри ўйлабсан, болам. Сени қўллаган одамнинг бошига иш тушса, сен ҳам унга ёрдам беришинг керак. Дўстликнинг олтин қоидаси шу.

Орага бироз жимлик чўкди. Ота-ўғил бир-бирига тикилиб, хаёл сурган бўлдилар.

Ўғил нигоҳида жонланиш сезилди. Сўнгра ота сўз қотди:

– Кўпам сиқилаверма, ўғлим. Оиламиз катта, бир кунимизга ярар деб йиғиб қўйган пулим бор... Укаларинг ҳам қараб туришмайди. Унгача пенсиямни ҳам олиб келишар...

Ўғилнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

– Раҳмат, отажон! Илоҳо, юз ёшга киринг! Доимо бахтимизга омон бўлинг!

Ўғил “Эртага, эрталаб келаман”, дея овқат кўтариб келган онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай жўнаб қолди. Ота ёнбошлаганича чой хўплар экан, ўғлига айтмоқчи бўлган, лекин айта олмаган гаплари бирма-бир хаёлидан ўтди.

...У урушдан кейинги оғир қаҳатчилик йилларининг фарзанди, қишлоқ ўқитувчисининг ўғли бўлиб, бир бурда қора буғдой ноннинг, бир сиқим жўхори паловнинг қадрини яхши биларди. Уруш, очарчилик йилларида кунжара еб шишиб ўлган болалар, катталар ҳақида отасидан жуда кўп ғамгин ҳикоялар эшитганди. Шу боис исрофгарчиликка йўл қўймасди.

Ўғил-қиз ва неваралари ҳам бу ақидага амал қилишларини жуда-жуда истарди. Ўғилнинг тўйидаги дастурхонда қолиб кетган анвойи овқатлар, турли-туман газаклар, ширинликлар, энг асосийси, қип-қизил ширмой нонлар увол бўлишини ўйлаган отанинг кайфияти бузилиб, юрагига аччиқ санчиқ кирган эди.

Ота невара-келин кўрганига беҳисоб шукур қилар, бу воқеа уни беҳад тўлқинлантириб, кўзларида ёш қалқирди. Шу билан бирга ўзининг бир умрлик ақидаларидан чекинишни ҳам сира-сира истамасди. Чолининг чуқур хаёлга чўмганини кўриб, хотини ярим ҳазил, ярим чин гап қотди:

– Ҳа, отаси, ўғлингизнинг дарди оғирми? Овқатга ҳам қарамай кетиб қолди-ку!

Маҳкам ота мийиғида кулиб, жавоб қилди:

– Йўқ, хотин, дарди унчалик оғир эмас. Ўша ўзимиз пенсиядан йиғиб қўйган пулимизни сарфласак олам гулистон! Дарров тузалиб қолади!

Хотини хандон отиб кулди:

– Э, ўлманг отаси, борингизга шукур! Пул экан-ку, болалардан жонимизни ҳам аямаймиз!

– Тўғри айтасан, хотин! Пул – болаларнинг бош-кўзидан садақа!..

Эр-хотин мириқиб узоқ кулдилар. Сўнгра хотин дастурхонни йиғиштира бошлади.

Маҳкам ота оқшомнинг енгил эпкинида секин-аста тебранаётган атиргулларга боқди. Димоғида майин ифор туйди. Кўнгли ёришиб, ботаётган қуёш қайтадан чарақлаб чиққаётгандек бўлди.

Боқий МИРЗО



1954 йилда Наманган вилоятида туғилган. Қўқон давлат Педагогика институтининг ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. Насрий асарлари билан бирга ғазалнавис шоир сифатида ҳам адабиёт мухлисларининг меҳрини қозонган.

# ҲАЁТ, ОДИЛ МУРАББИЙСАН

## СЕНГА ИШҚИМ

Бу кун, дилбар, сенга ишқим
баён этмоқ учун келдим,
Бироқ бу ишни ағёрдан
ниҳон тутмоқ учун келдим.

Етар, бас! Сирри ишқимдан
юрарсан бехабар токай,
Кўнгилда борим айтиб,
орзуга етмоқ учун келдим.

Олов ишқинг бу кўнгилга
қувончу изтироб солди,
Менам қалб торларингни
бир нафас чертмоқ учун келдим,

Менга ошно бўлурсанми
ва ё севгимни рад этгунг,
Билай мен: қай мукофотни
олиб кетмоқ учун келдим.

Умидим кўп, диловомим,
умидим барчаси сендан,
Висолинг шавқидан Боқий
ғазал битмоқ учун келдим.

## МЕҲР БУЛОҒИ

Ҳаёт, одил мураббийсан,
ширин-аччиқ сабоғинг кўп,
Ажаб йўлсан умр ичра
яқин, олис, узоғинг кўп.

Ўзинг сайёд бу кенгликда
мудом ғофил эли сайдинг,
Кўзин очмоқни кўзлайсан -
ҳақиқатдан тузоғинг кўп.

Ҳамон яхши-ёмонлар жанг
қилар дунё илинжида,
Кўнгилларни жароҳатлар
зулмдан тиғ-яроғинг кўп.

Жаҳолатга ботар бўлсак,
залолатга ўтар бўлсак,
Солиб виждонни қийноққа
қиёматли сўроғинг кўп.

Ният холис — замон ичра
мудом юксакка интилдик,
Бизи имлаб турар тинмай
шараф-шонли маёғинг кўп.

Саодат ҳам, садоқат ҳам
яшар қош-кўз аросинда,
Меҳрга зорлар кўпдир,
меҳрлардан булоғинг кўп.

## УЛ ЧАРОС КЎЗЛАР

Дилбарим, ўткинчи ҳижронда
дилинг ғамланмасин,
Ул чарос кўзлар бу ғам
қийноғида намланмасин.

Куйласа бул кун саҳар
ҳижронни ишқ девонидан
Ошиғи содиқни ёди
дилда ҳеч камланмасин.

Қошларинг пайваста,
қийнаб ўсмага кўмдирмагил,
Бўлмасин майли қаро,
майлига хуррамланмасин.

Шомлари танҳо чаман
сайрини тарк этгил, гулим,
Партави ҳуснинг кўриб
ой кўкда мулзамланмасин.

Рост, гўзал, ҳуснингга кўп,
мажруҳ кўнгил шайдоларинг,
Бир нигоҳ бирлан дили
беҳуда малҳамланмасин.

Боқмагил ағёра ҳажр ичра
кулиб, сабр айлагил,
То жафо бирлан юрак
рашкингда мотамланмасин.

# ШЕЪРИМНИНГ ЮРАГИ УРИБ ТУРИБДИ

*«Шоирлик руҳнинг баланд парвозидан туғилади» дейишади. Хўш, шоир ким? Шеър нима? Асар қандай пайдо бўлади? Истеъдоднинг кўз очиши нималарга боғлиқ? Ўтган асрнинг 70-йилларидаги авлодлар ва бугунги кун шоирларининг сўзга ва даврга муносабатида нималар яққолроқ кўринади?..*

*Ўзбекистон халқ шоири Омон МАТЖОН билан суҳбатимизда шу каби саволларга жавоб излашга уриндик.*

Кўнгил минтақаси

**— Омон ака, Хоразмнинг Боғолон қишлоғида туғилгансиз... Табиийки, Боғолонда ўтган болалигингиз хотиралари, умуман, ота-боболарингиз ёди хаёлингизда жонланиб турса керак?**

— Хоразм қават-қават тарихга эга. Бу теп-текисликлар ва қумтепаликлардан иборат замин бир пайтлар фақат чўққилардан иборат бўлгандек гўё. Хоразмнинг ҳар бир гўшасида "Боғолон" каби ўзига хос номга эга гўшалар анчагина. Боғолон "Баландликдаги жой" дегани. Суриштирувларимга кўра, катта бобом Ферузхон саройида амалдор бўлган, сўнг Гурланга кўчиб келган. Мактабга олти ёшимда ўжарлик қилиб, Гулсара опамга эргашиб борганман. Чунки онадан уч ёшда етим қолгач, опамга боғланиб қолгандим. Опам жуда чиройли ёзар, кўп китоб ўқирди. Мен ҳам опам нима қилса, шуни такрорлаганман. Мактабда ўзимча шеърлар ёзиб юрардим. Деворий газеталар чиқарардим.

**— Болалик даврингиздаги қайси хотиралар ёқимли ҳиссиёт бахш этади?**

— Гитлер уруш бошлангач, тўққиз кундан кейин Москвада ғалабани нишонлаймиз, деган экан. Шукурки, бундай бўлмади. Бироқ мактабда 80 фоиз болалар сағир эди: оталари урушда ҳалок бўлганди. Уларга қараб туриб, отам борлигидан қувонардим. Кўчаларда юрганимда отамнинг қўлидан маҳкам ушлаб олардим.



***МАНГУ ЛАҲЗА.***

**Устоз Асқад Мухтор беғараз ва беминнат муаллим эдилар. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари. С.МАҲКАМОВ олган сурат.**

**— Ижодкор халқи борки, саёҳатга ўч бўлади. Сайёҳ Омон Матжон саёҳатларни ижодга қай даражада кўчира олди?**

— Мени саёҳатлар шоир қилган, деб ўйлайман. Французлар «Парижни уч марта кўрмаган киши шоир бўлолмайди» дейишганидек, мен ҳам Парижга уч марта бордим. Ўқувчи пайтимдаёқ "40 ёшга тўлгунча, албатта, дунёнинг ярмини кўришим керак», деб орзу қилардим.

Бир гал ҳамроҳларим билан ўн қаватли «Беларус» кемасида Финландиядан йўлга чиққанмиз. Англия, Португалия, Испания ва қатор мамлакатлардан ўтиб, охири Туркияга келдик. Мўғулистонга бордим, Гоби саҳросини кўрдим. Доим сафарга чиққанимда ўзбек нонини олиб кетардим. Ўша саҳрода юрганимда нон еб ўтирсам, бир мўғил ҳайрон бўлиб қаради. Нон нималигини сўради. Айтиб бердим. Сўнг татиб кўриб, «бундай тансиқ таомни ҳеч қачон емаганман», деб айтди. Қайтишимда Гоби саҳросидан иккита тошча олиб келганман. Оддий тошлар, аммо саҳродаги саёҳатимдан эсдалик-да...

**— Сизни шоир деб аталишга лойиқ этган ҳақиқий маънодаги шеър завқини қачон ҳис этгансиз?**

— Ҳарбий хизматни Германияда ўтаганман. Ҳарбий қисмимизнинг катта кутубхонаси бор эди. Азбаройи мутолаани севганимдан тушуниб-тушунмай китоблар ўқийверганман. Уч йил тинмай ўқидим. Ёзмасдан шоир бўлиб бўлмагани каби ўқимасдан ҳам шоир бўлолмайди одам. Менингча, нафақат шоир, ўқимасдан ҳеч бир одам ҳеч ким бўлолмайди. Шу тахлит шоир — ким, шеър – нима, деган саволларга жавоб топа бошладим. *"Шеър не шоирнинг юраги етиб, ақли етмаган нуқталардан бошланади"*, дейди шоир Матназар Абдулҳаким. Ана ўша нуқталарда туғилаётган шеърлар мени гоҳ мавҳум изтиробларга, гоҳ мислсиз шодликларга ошно этарди. Дард исмли шеърлар туғиларди. Бир хизматдошим қайтаётиб, шеърларимни ўзи билан олиб, «Шарқ юлдузи» журналига ташлаб кетган экан. Ўша пайтда журнал муҳаррири таниқли ёзувчи Шуҳрат 1965 йил июн сонида «Солдат ўйлари» сарлавҳаси билан шеърларимни чоп эттирган. Отам ўша журнални Германияга жўнатган. Уни кўриб, анча вақт ҳаяжонланиб юрганман. Ана шу ҳаяжон билан изма-из тарзда ҳақиқий ижод завқи уйғонган бўлса ажаб эмас.

**— Бугун ижодкор ёшларнинг биринчи китоблари чоп этилишига давлатимиз ва устозлар ғамхўрлик қилишяпти. Сизнинг илк китобингиз нашр қилиниши қай тарзда кечган? Ундан кўнглингиз тўладими?**

— Самарқанд Давлат университетида устозларим Нуриддин Шукуров, Воҳид Абдулла, Ботир Валихўжаевдан таҳсил олганман. "Шалола" адабий тўгарагини тузгандик. Ўқишим тугагач, устозимнинг саъй-ҳаракатлари билан 1969 йили нашриётга мусаҳҳиҳ ёрдамчиси бўлиб ишга кирганман. Ҳолбуки, у пайтларда нашриётга ишга кириш у ёқда турсин яқинига бориш ҳам қийин эди. Бир ойдан сўнг Москвага малака ошириш учун ўқишга жўнатишган. 1970 йилда шу нашриётда биринчи китобим — «Очиқ деразалар» чоп этилган. Баъзан шоирнинг ёшлиги, ғўрлиги, муҳаррирнинг эътиборсизлиги сабаб илк китобда анча-мунча ғализликлар ўтиб кетади. Бироқ мен биринчи китобим "Очиқ деразалар"дан ҳамиша миннатдорман: мени чин сўз йўлига етаклагани, ҳисларимни битта китоб билан иҳоталаб қўймагани, асл Дарддан маҳрум этмагани учун...

**— Бизда Ғарбдан фарқлироқ шеърнинг оҳангдорлигига эътибор беришади. Бу борада сизнинг фикрларингиз қандай? Шеърларингизнинг ҳофизлар томонидан ижроси сизни қаноатлантирадими?**

— Ҳа, тилимизнинг ўзи шунақа ширали ва оҳангга бой тил, деб ўйлайман. Навоийнинг ғазалларини ўқиб кўринг-чи, куйи ўзи билан-ку, ахир! Шундай экан, шеърларимизнинг оҳангга бойлигини мен ғарб ё шарққамас, тилга дахлдор деган бўлардим.

Бу уйга кўп марта Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Олмахон Ҳайитова келган. Отажоннинг ўзи ҳам, кўнгли ҳам, феъли ҳам дарёдек кенг, жўшқин эди. Деярли барча шеъримни қўшиқ қилиб айтган. У созини чертиб, қўшиқ айтишни бошлаганида дилим ором оларди. Унга аталган битта шеърим ҳам бор. Асли бу шеърнинг ёзилиши тарихи бошқачароқ. Хивани босиб олишганидан сўнг, бу кўҳна шаҳар тарихига оид ҳужжатларни ёндириб юборишган, қолганларини эса дарёга оқизишган. Шулар «Учинчи дарё» шеъримга сабаб бўлган:

**Бу нима? Қандайин сирли овоз бу,**
**Ерданми, кўкданми келар бу садо?!**
**Наҳот, тупроғимда кўзга ташланмай**
**Оқиб ётган бўлса учинчи дарё!**

Отажон буни ўқиб, "Шу шеърни менга бағишланг", деди. Китобларимга "Отажон Худойшукуровга" деб киритдим. Асли Отажоннинг ўзи ҳам бир дарёдек одам эди, раҳматлик...

Улардан кейин ҳам, чамамда, ёшлар шеърларимни қўшиқ қилиб айтишяпти.

**— Шеърларингизга хоразм шеваси сўзлари усталик билан сингдирилган... Шева ва диалектларнинг шеърга сингдирилишини қандай баҳолайсиз?**

— Шева ва диалект тилимизнинг бир бўлаги аслида. Бу менинг изоҳимсиз ҳам ўтмиш адабиётида ўз ифодасини топиб бўлган. Туркolog олим Мурод Ажининг "Дашти қипчоқ ёвшани" асарини ўқисангиз тилимизнинг, миллатимизнинг тарихи биз ўйлагандан ва биз билгандан ҳам қадимийроқ эканига амин бўласиз.

Хоразмга келадиган бўлсак, у қадимги Юнонистонга ўхшаб тарих қатларида қолиб кетгандек. Асли хоразм шеваси йўқолиб бўлди ҳисоб. Фақат шевага оид луғатлардагина дурдона сўзлар қолди. Ҳатто шу луғатларни топишнинг ўзи ҳам даргумон. Бу ҳақда кўп бора ўз фикрларимни айтганман.

**— Рус шоири Евгений Евтушенко шеърларингизни рус тилига ўгирган экан. Барибир ўтган асрдаги адабий алоқалар бизни ҳавасимизни келтираверади...**

— У пайтларда ҳамма мамлакатларда, менингча, шеър даври, адабиёт мавсуми бўлган. Одамлар табиатан шеър кайфиятида яшашган. Шундай экан, адабий алоқалар шитоб билан ривожланмай иложи йўқ эди. Бироқ ўйлайманки, бугунги адабий ҳамдўстликлар ҳам маромида. Қайси маънодаки, чет мамлакатларда чоп этилаётган ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарлари шунчаки қулоққа айтиладиган гап эмас.

Евгений Евтушенко ҳақида гапирсам, у шеърларимнинг руҳини тез англаб оларди. Ўзбек тилини нозик ҳис қиларди. Шеър ва таржимоннинг диди бирлашган жойда яхши таржима пайдо бўлади, менингча. Евтушенко мен учун гўзал шоир, дидли таржимон ва ажойиб дўстдир.

Москва яқинида худди бизнинг Дўрмонга ўхшаб Переделкино деган ёзувчилар уйи бор эди. Ўша жойда Колонний залда "Чарли Чаплин ўлди" деган шеъримни таржима қилиб ўқиб берган. Шундай ўқиганки, ўзим ҳам таъсирланиб кетганман.

**— Ижодкор асар ёзиш учун илҳом келишини пойлаб ўтириши шартми? Сиз шеър ёзилгунча ва ёзилгандан кейинги ҳолатни қандай яшайсиз?**

— Ёзиш ва яратиш ақлга бўйсунмайди. Ижодкор ички оламида мингта "чиғириқ"дан ўтиб, дард ва қувончининг қоғозга тўкилиш жараёнини биз шартли равишда "илҳом" деб атаймиз. Чунки ҳали биронта ижодкор илҳом парисини ҳам, илҳом девини ҳам учратганича йўқ. Эҳтимол, ўта сезувчан, ҳар бир нозик туйғулару ножоиз муносабатларга нисбатан жаранглаб акс-садо бергувчи шоирнинг юраги илҳомнинг ўзидир. Қаттиқ севувчан, тез оғиринувчан, ёнидан эсиб ўтган шабадани ҳам томирлари орқали ўтказувчи шоирнинг инжа юраги илҳом парисининг айнан ўзи.

Мен ҳар доим йўлда, саёҳатларда, сафарларда ўқиб-ёзардим. Алишер Навоийнинг "Хамса"сини ҳам шундай саёҳатлар давомида мутолаа қилиб ўрганганман. Ундан таъсирланиб ёзилган "Минг бир ёғду" ҳам йўлда туғилган. Зулфия таваллудининг 100 йиллигига атаб намойиш этилган "Садоқат" либреттоси ҳам ана шундай саёҳатларим маҳсули.

**— Шеърларингизнинг эртанги умри ҳақида ўйлаганда хаёлингиздан қандай ўйлар кечади?**

— Шеър умри шоирнинг хаёллари қоплаб ололмайдиган даражада чексиздир, эҳтимол. Кўнгилга, шеърга қайтиш ҳеч вақт оммавий тус олмайди. Шеър ҳам, кўнгил ҳам алоҳида ҳодиса. Шеърнинг умри ўқувчининг, хос ўқувчининг кўнгил иплари билан маҳкам боғланган бўлади. Давомли китобхоннинг меҳри ва ҳайрати шеър учун абадият яратиб бера олур. Агар дунёда шеърни, бадииятни ҳис қилувчи битта одам яшар экан, демак, шеърингиз ҳаётдир, унинг юраги уриб турибди...

**Гўзалой МАТЁҚУБОВА**
**суҳбатлашди.**

# МИЛЛАТ ҲАЁТИНИНГ ОЙНАСИ... ХИРАЛАШМАЯПТИМИ?

**Пойтахтимизнинг марказий кўчаларига "Амир Темур", "Мустақиллик", "Буюк Ипак йўли", "Тараққиёт", "Мирзо Улуғбек", "Шароф Рашидов" сингари номлар берилган. Номига мос бу кўчалар мустақилликдан кейин янада гуллаб-яшнади. Бир-биридан муҳташам иморатлар, нуфузли идоралар, ташкилотлар шаҳар марказининг кўркига кўрк қўшиб турибди.**

Бугуннинг гапи

Аммо пойтахтимизга илк бор келган одам бу марказий кўчалардан ўтаётганда ўзининг Тошкентда эканлигига шубҳа қилмасмикан? Мана, "Мирзо Улуғбек" кўчасидаги қаҳвахона, дорихона, ресторан, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларига қўйилган номлар: "Kebbi" "Крепость", "Перекрёстокъ", "Millenium", "Globus", "Золотыстие выпечки"... Энди "Амир Темур" шоҳ кўчасига ўтамиз: "Radisson", "Bressiria", "Royal", "Choco world" "Super bistro", "Mig bistro", "Kapriz", "Lagoste", "Будильник", "Urban Toys"... Ҳатто ифодалашга тил ҳам келишмайдиган бундай атамаларни истаган жойингизда топишингиз мумкин.

Зангиота туманининг Чимкент йўлига чиқиш жойида яқинда бир дўкон очилди. Номи "Копейка". Рус тилидаги "копейка" сўзи бизнинг тилимизда майда чақа дегани. "Копейка"нинг истеъмолдан чиқиб кетганига чорак асрдан ошди. Наҳотки яхши ният билан очилган ушбу дўконга тузукроқ ном топилмаган бўлса. Бундан чорак аср муқаддам истеъмолда бўлган бир тийинлик танганинг катта сурати туширилган ушбу дўконни кўришингиз билан "бир тийинга қиммат экан-да" деган хаёлга борасиз. Балки тадбиркор "дўконимиздаги нарх-наво жуда арзон" демоқчидир? Нима бўлганда ҳам бу ном дўконга харидорни чақириши амримаҳол. "Izmir", "Burji al – arab", "Аты - Баты", "Крепость" деб номланган спиртли ичимликлар дўконию тамаддихоналарда турк, араб, рус миллатига мансуб бирор иш бошқарувчини ҳам, хизматчини ҳам кўрганим йўқ. Шаҳар марказидаги бинолар пештоқидаги бундай атамаларга Америка, Франция, Туркия, Арабистон ёки Россия давлатларидаги дарё, шаҳарларнинг нима алоқаси бор. Ушбу масканларда фаолият юритаётган тадбиркорлар орасида бирор хориж давлатига бормаганлари ҳам бисёр бўлса керак.

Хориждан келган сайёҳлар юртимизнинг энг гўзал шаҳарларини ҳайратланиб томоша қиладилару, бироқ ўз мамлакатларига қайтгач бинолари пештоқига, катта баннерларга "Ўзбекистон", "Тошкент", "Самарқанд", "Алпомиш", "Палов" деган номларни илиб қўйишмайди. Узоққа бормайлик, ҳар куни телевизор орқали кўрсатилаётган чет эл филмлари, сериалларида уларнинг кўчаларидаги пештахталарга, бинолар тепасига ёзилган лавҳаларга кўзимиз тушади. Масалан, корейс сериалларида инглиз, рус, лотин тилидаги ёзувни эмас, соф корейс ёзувидаги атамаларнигина кўрамиз.

Хўрозқанд чет элники деса ётиб ялаш қон-қонимизга сингиб кетганми? Чет эл маҳсулотларининг қиммат-арзонлигини, сифатини суриштирмай харид қиламиз. Нари борса моддий зарар кўрамиз. Аммо пойтахтимизнинг ҳар қадамида кўзингиз тушадиган ажнабий атамалар фарзандларимизнинг чаласавод бўлишига ҳисса қўшяпти, миллат маънавиятига зарар етказяпти. Қолаверса, ўз она тилига беписандлик, ҳурматсизлик пайдо бўляпти. Энди бу атамаларнинг сўзлашувимизда қандай акс этишига эътибор қаратайлик: "Кеча будилникка бордик", "Super bistro"нинг овқатларига гап йўқ, "Burji al – Arab"да учрашсак бўларкан.

Тўғри бир неча тил ўрганиш ва шу тилларда сўзлашиш ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиши. Аммо чет тилларини ўрганишимиз учун бундай тил айланмайдиган атамаларнинг нима кераги бор?

Йўл-йўлакай автомобилларни таъмирлайдиган шахобчалар, гўзаллик салонлари ходимларидан пешлавҳадаги номларнинг таржимасини сўрадим. Афсуски ҳеч бири хизмат қилаётган масканининг нимага бундай номланганини, маъносини, таржимасини айтиб беролмади.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни кучга кирганига 28 йил тўлади. Юқорида биз келтириб ўтган мисоллар ҳеч ким учун янгилик эмас. Бу ҳақда кўп ва хўп гапирилганига қарамай ҳамон чет элнинг "хўрозқанд"ини ётиб ялаяпмиз. Наҳотки, пешлавҳалардаги хорижий тилдаги ёзувлар, тушунарсиз ному атамаларни назорат қиладиган, давлат тилимизни менсимайдиганларни тартибга чақирадиган ташкилот бўлмаса? Ахир, "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг 20-моддасида "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин", деб белгилаб қўйилган-ку.

Мутафаккир бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, тил миллат ҳаётининг ойнаси. Шундай экан, ҳаётимиз ойнаси — тилимизни хиралаштирмайлик, унинг ривожига, сайқал топишига ҳисса қўшайлик.

**Барно СУЛТОНОВА**

# Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "Ҳарбий-Ватанпарварлик" мавзуида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Қўйилган ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги юртимизнинг бой ҳарбий санъати тарихи, буюк саркарда аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур ва Бобур Мирзонинг тенгсиз ҳарбий жасорати, мардлик ва ватанпарварлик бобидаги ибратли ҳаёти, жумладан, Ватанимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотирасини абадийлаштириш, айни кунда ҳарбий соҳада жонбозлик кўрсатаётган мард ўғлонларимиз — аскар ва зобитлар, барча Ватан посбонларининг бадиий мукаммал образлари яратилишига ҳисса қўшиш, бугунги ҳарбий ислоҳотларни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг ёритиш, шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, хусусан, ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Ҳарбий-Ватанпарварлик"** мавзусида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини эълон қилади.

**ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ЯРАТИЛАДИГАН ИЖОДИЙ ИШЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН:**

- халқимизнинг шонли тарихи ва унда ўзларининг ўчмас номларини қолдирган афсонавий халқ қаҳрамонлари Широқ, Тўмарис, Спитамен, буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби кўплаб енгилмас саркардаларнинг ҳарбий маҳоратлари, Ватан озодлиги, халқ бахти ва келажаги йўлидаги ўлмас жасоратларини юксак бадиий воситалар билан акс эттириш;
- Истиқлол йилларида, тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилгани;
- мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш йўлида фидойилик кўрсатаётган аскарларимиз, зобитларимиз ҳаётини ёритиш;
- ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимининг принципиал жиҳатлари мутлақо янги асосга ўтганлигини юртимизда янгидан ташкил этилган Ҳарбий Академия, Сержантлар мактаблари, "Темурбеклар мактаби" фаолияти, "Ватанпарвар" ташкилоти ва унинг иштирокида олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ишлари, "Шунқорлар" ҳарбий мусобақаларининг моҳият ва мазмунини ёритиш;
- муддатли ҳарбий хизматни ўтаб резервга бўшатилган ёшларнинг ишга жойлашиши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан боғлиқ имтиёзларнинг белгиланиши ва буларнинг барчаси ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи кескин ошишида муҳим омил бўлаётгани;
- Армия ва халқ ўртасидаги яқин муносабатлар, хайрихоҳлик ва ўзаро якдилликнинг ҳаётий воқеа-ҳодисалар орқали бадиий жиҳатдан ишонарли тарзда, жонли образлар воситасида талқин этилиши;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратилишига алоҳида аҳамият берилаётгани;
- давлатимиз мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишида фидойиларча хизмат қилаётган ҳарбийлар ҳаётидаги заҳматли ва шарафли ишларни таъсирчан ва ҳаққоний ифодалаш;
- миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш мақсадида, хизмат вазифасини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг хотирасини абадийлаштирадиган, уларнинг ёрқин ва ўчмас бадиий образларини ёшлар онгига ибрат ва намуна сифатида сингдириб борадиган бадиий асарлар яратиш шулар жумласидан.

Буюртма берилган китоблар Агентлик тизимидаги нашриётлар қошида тузилган нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланиб, нашриётларнинг ижтимоий грантлари асосида чоп этилади ва муаллифларга белгиланган тартибда қалам ҳақи берилади.

Нашриётлар ва муаллифлар ўртасида тузиладиган шартномада ижтимоий грантлар асосида яратиладиган китоб учун қалам ҳақининг маълум қисмини олдиндан тўлаш ҳам кўзда тутилади.

**ЛОЙИҲАДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ижтимоий буюртмалар лойиҳасининг ташкилий ва ижодий жиҳатлари юзасидан Агентлик тизимидаги нашриётларга бевосита мурожаат қилишингиз ҳамда улар билан олдиндан шартнома тузиш тартибида лойиҳани бажаришга киришишингиз мумкин.

Агентлик тизимидаги Нашриёт–матбаа ижодий уйларининг манзили:

1. "Ўзбекистон" НМИУ-100011, Тошкент, Навоий кўчаси-30. Тел:.(371) 244-87-55, 244-87-20. Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10;

2. "Ўқитувчи" НМИУ-100206, Тошкент, Янгишаҳар кўчаси-1. Тел:. (371) 224-10-77, 224-05-49. Факс: (371) 224-05-61;

3. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ-100128, Тошкент, Лабзак кўчаси-86. Тел:. (371) 241-19-28, 241-18-96. Факс: (371) 241-82-69;

4. Чўлпон номидаги НМИУ-100011, Тошкент, Навоий кўчаси-30. Тел:.(371) 244-10-45. Факс: (371) 244-58-55;

5. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти-100011, Тошкент, Навоий кўчаси-30. Тел:. (371) 244-34-38, 244-60-75, 244-07-47. Факс: (371) 244-24-91;

Адабий-бадиий нашрлар

## "ЁШЛИК"

**2017 йил, 8-сон**




"Мамлакатимиз Президентининг ижодкор зиёлилар билан учрашуви миллат руҳияти сарчашмаларининг янада мавжланишига, янги-янги фикрат булоқларининг кўз очишига сабаб бўлди", деб ёзади шоира Шарифа Салимова бугунги ижодий жараённинг муҳим воқеалари ҳақидаги "Вақт келди, шовуллар қалбларда дарё" сарлавҳали мақоласида. "Оролни асраш — умумий муаммо" номли давра суҳбатидаги ёш олимларнинг кузатишлари, фикр-мулоҳазалари ва куюнчаклик билан билдирган таклифлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслиги тайин.

Назм саҳифаларида шоирлардан Абдунаби Бойқўзиев, Баҳодир Баҳром ва Ситора Тожиддинованинг янги шеърлари эълон қилинган. "Наср" рукнида ёш ёзувчи Бобо Равшаннинг "Шом ва тонг орасида" номли қиссасини, жаҳон ҳикоячилиги намуналари туркумидан О.Ҳенрининг "Йигирма йилдан сўнг..." (таржимон Д.Маҳкамова) номли ҳикоясини ўқийсиз.

Таниқли шоир Шавкат Раҳмон ҳақида сафдошлари ва устозларининг дил сўзлари, шоир умри лаҳзалар акс этган суратлар, Азизбек Анварнинг қўшиқчилик санъати муаммолари ҳақидаги "Саломга яраша алик борми?" мақоласи, Самарқанд давлат университетининг тўқсон йиллигига бағишланган саҳифалар, профессор Ҳотам Умуровнинг "Истеъдод ва унинг даражалари ҳақида ўйлари" билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз.

# КИШИ ХИЗМАТ ҚИЛАР ЭЛГА, ЯШАР У...

*Ўзбекистон халқ ҳофизи, "Дўстлик" ордени нишондори Ҳасан Ражабий ўзбек мумтоз мусиқашунослиги асосчиларидан бири, мақом устаси Юнус Ражабийнинг фарзанди. Устазода билан суҳбатимиз отасининг фаолияти ва мақом санъатининг бугуни ҳақида бўлди.*



Учрашув

**— Юнус Ражабий номини, кўпчилик, айниқса, у кишига замондош бўлмаган авлод ҳам эшитгану, аммо қандай ташвишлар билан яшаганини билмайди. Отаси ҳақида гапириш ҳар қандай фарзандга ифтихор бағишласа керак?**

— Албатта, ҳар бир одам ўз ота-онасини яхши гаплар билан эслайди. Айниқса, халқ қалбидан чуқур жой олган Юнус Ражабийдек сиймолар ҳақида гапириш фарзандларга фахр ва ғурур бағишлаши турган гап. Шу йил отам туғилганига 120 йил тўлди. Лекин ҳамон тирикдай, юртимизда номлари жаранглаб турибди. Юнус Ражабий ўзбек мумтоз санъатининг ёрқин, ўлмас дарғаларидан бири. У замондошлари дилига катта инсоний қалби, шу қалбга жо бўлган истеъдоди билан кириб борди.

Отам битмас-туганмас маданий мулк, хазина қолдириб кетдилар. Бу асрлар давомида халқимиз хотирасида яшаб, аждодларимиздан бизгача жонли куйланиб, ривожланиб етиб келган бебаҳо мусиқий мулкдир. Тарқоқ ҳолда, унутилиш даражасига келиб қолган бу мулкни йиғиб, саралаб, нота ёзувларига кўчириб, сайқал бериб, ажойиб ижроларини ҳам яратган Юнус Ражабий бўлди. Албатта, бунда у киши шогирдлари ёрдамига таянди. Унинг шу куйлар асосида басталаган тароналарию бетакрор ижролари нафақат ўзбекларнинг, балки дунё халқларининг нодир асарларига айланди. Юнус Ражабийнинг кўп йиллик заҳматлари беш жилдли "Ўзбек халқ мусиқаси", олти жилдли "Шашмақом" ва "Мусиқа меросимизга бир назар" деб номланган китобларда бор бўй-бастини, мақсад-муддаосини кўрсатиб турибди. Севимли шоиримиз Собир Абдулла замондошининг ижодига шеърий мисраларда шундай баҳо берган эди:

**Киши хизмат қилар элга, яшар у,**
**Ҳамиша ёдланиб, унвону номи,**
**Улуғ иш қилдингиз бойликни тўплаб,**
**Тирилди сиз билан ўзбек мақоми.**

**— Мумтоз хонандаларимиздан бири Голландияда мақом йўналишидаги таронани куйлаганида, шинавандалар санъатнинг бу турига қизиқиб қолишган, ҳатто ўрганишга киришган экан. Сиз ҳам шундай ҳолатларга дуч келганмисиз? Умуман, мумтоз санъат намуналарининг ўлмас меросга айланиши қандай кечади?**

— Санъатни миллат қалбининг ойнаси, дейишади. Хорижий мамлакатларда ўзбек мусиқасига қизиқиш, ундан завқланиш, ўйлайманки, жуда қадимдан бошланган. Биз ҳам худди араб, турк, ҳинд, эрон, рус ва бошқа халқлар мусиқий асарларига қизиққанимиз сингари. Назаримда, бунга сабаб халқларнинг мусиқа орқали ўз дарду ҳасратини, орзу-армонларини таъсирчан ифода эта олганликларида.

Ўзбек мақомлари миллий мусиқамиз пойдевори. Уларда мусиқа жанрлари жам бўлгандек, такомиллашгандек туюлади. Юнус Ражабий Навоийнинг 525 йиллигига бағишлаб чиқарган йигирма иккита катта диск грампластинкаси билан бутун дунёга танилди. Чет давлатларда маълум бир соатларда ўзбек мақомларининг янграб туриши, тингловчининг бундан мамнунлик, масрурлик туйишига ўзим гувоҳ бўлганман.

Турғун Алиматов, Муножот Йўлчиева сингари мумтоз санъаткорлар Голландия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларда ўзбек санъатини намойиш қилганларида гулдурос қарсаклар анча вақт тинмаган. Юнус Ражабий номидаги ўзбек мақомчилари ансамбли Ҳиндистон, Арабистон, Индонезия, Япония каби мамлакатларда концерт берганида шинавандалар тик туриб олқишлаган. Ҳиндистонда танбур билан "Талқини баёт" ва унинг таронасини ижро этганимда халқ шунчалар алқадики, ҳамон ўша манзара кўз ўнгимдан кетмайди.

**— Замон шиддаткор, тезкор. Бугунги истеъдодли ёшларда эстрада санъатига мойиллик кучлироқ. Уларнинг келажак авлодга қолдириши мумкин бўлган санъати хусусида нима дея оласиз?**

— Қанча давр ўтмасин, олтин занг\-ламайди. Халқимиз руҳига мос мусиқий, адабий, тасвирий санъат асарларини ҳам олтинга қиёслагим келади. Инсон қалбини тўлқинлантирмайдиган асарлар ўз-ўзидан унутилиб кетади. Шубҳасиз, замонавий қўшиқчилигимизда халқнинг ўзидан олиб, ўзига қайтараётган санъаткорларимиз ҳам кўп: Шерали Жўраев, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров... Айни пайтда битта-иккита қўшиқ айтиб қўйиб, енгил-елпи матнни куйга солиб, шоншуҳратга даъвогарлик қилаётган хонандалар ҳам сероб. Улар ёшларнинг дидини ўтмаслаштиради, холос. Бундай ижроларнинг эфирга қандай чиқиб кетишига тушунолмайман. Очиғи, мумтоз санъат намуналарига нисбатан эстрада қўшиқлари радио ва телевидениеда кўп берилади. Агар мақомга ҳам шундай эътибор берилганда эди, ёшлар бу санъатни кўриб, эшитиб, баҳра олишга одатланишарди.

Хоразмча, тошкентча, андижонча, бухороча, самарқандча, бойсунча тароналар, "Тановар"у "Дилхирож"лар, "Омон ёр"у, "Лазги", "Баёт"у "Ушшоқ", "Мискин"ларнинг ўлмаслиги, бугунга қадар етиб келишининг сири уларда халқнинг ўтмишидан, маънавий қиёфасидан далолат берувчи руҳ, жозиба борлигида.

**— Сиз билан Юнус Ражабий уй-музейида суҳбатлашяпмиз. Музейнинг ташкил этилиши ва ташриф буюрувчилари ҳақида билишни истардик.**

— Отамнинг қўшиқларини эшитган ёки номидан хабардор авлод вакилларининг зиёратгоҳига айланган мазкур даргоҳ 1989 йил уй-музейга мослаштирилиб, 1997 йил 18 декабрда очилган.

Етти бўлимдан иборат мазкур уй-музейда тахминан етти мингга яқин экспонат: Юнус Ражабий фойдаланган уй-рўзғор буюмларидан тортиб, устоз яратган дурдона асарлар, чалган мусиқа асбоблари, ўқиган китоблари, кийимлари, ижодхоналаридаги буюмлар, ноёб қўлёзмалар, устоз ва шогирдларининг портретлари, фото суратлар бор. Ҳозиргача уй-музейни 20 мингдан зиёд киши келиб кўрди. Улар орасида нафақат юртдошларимиз, балки МДҲ мамлакатлари, чет эллик мусиқа санъати шинавандалари ҳам борлиги кишини қувонтиради. Юнус Ражабий номининг у яшаган маҳаллага берилгани, кўчалар, билим юртлари, метро бекатларидан бири, Жиззах шаҳрида мусиқали драма театри ҳам у киши номи билан аталгани қалбимга чексиз фахр бағишлайди. Шунда хаёлимдан: "Ўз умрини халқ хизматига бағишлаган инсонлар ҳеч қачон унутилмайди", деган фикр ўтади.

**— Бугун она Ўзбекистонимизда кенг кўламли иқтисодий, маънавий ва маърифий ислоҳотлар амалга оширилятпи...**

— Ҳа, юртимиз кўркига-кўрк қўшаётган иншоотларни, чиройли кўприкларни кўриб қувонаман. Қилинаётган савоб ишлар кўп. Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар эртанги кунги юрт истиқболига ишонч уйғотади. Бизнинг давримиздаги файзсиз мактаб бинолари ўрнида муҳташам таълим масканлари қад ростлаяпти. Бугун халқимизнинг мусиқий санъати ривож топиб, ҳофизларимиз, созандаларимиз меҳнати эъзозланаяпти. Шундай санъаткорлар орасида Юнус Ражабийнинг невaралари борлигидан қувонаман. Улар мақом йўлидаги ашулаларни маромига етказиб куйлашяпти.

Ниятим, халқимиз бой-бадавлат яшасин, фаровонлиги ошаверсин. Энг мақбул урф-одатларимиз, қадриятларимиз завол топмасин.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**
**суҳбатлашди.**

# ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Тожикистон маданияти кунлари давом этмоқда. Тадбирнинг илк куни Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Замонавий Тожикистон" деб номланган фотокўргазма ва тожик ҳунармандчилиги маҳсулотлари намойиши бўлиб ўтди. Қардошларимиз томонидан яратилган фотосуратлар ва мўйқалам намуналари, бетакрор ҳунармандлик маҳсулотлари юртимиз санъат мухлисларига завқ бағишлади.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтган Тожикистон маданияти кунларининг очилиш маросими ҳар икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намойишига айланди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, тожикистонлик санъат ва маданият намояндалари, ёшлар, мухлислар иштирок этди.

Концерт дастури олдидан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев ва Тожикистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари И.Машрабов халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларида мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлашди.

Тожикистонлик санъат усталарининг концерти, жумладан, халқ артисти Зебо Аминзода раҳбарлигида

Теран томирлар

"Зебо" ансамбли рақслари, халқ чолғу ансамбли ижросидаги "Камалак", "Ширин орзулар" каби куйлар, Тожикистон халқ артистлари Саидқул Билолов, Давлатманд Холов, халқаро танловлар совриндори Шарофат Усмонова, таниқли хонандалар Хуршид



Иброҳимов, Фотима Машрабова, Дилноза Каримова ва бошқаларнинг ижросини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан олқишладилар.

Маданият кунлари давомида Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада тожик шоирлари билан ижодий учрашув ўтказилди, меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

# ҲАЁТ — ЎЙИН ЭМАС

Республика Маънавият ва маърифат маркази юртимиздаги барча ижодий ташкилотлар билан анжуманлар ташкил этиб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан фаолият йўналишларини белгилаб олмоқда.

Ана шундай анжуманлардан бири Ўзбек миллий академик драма театри ижодкорлари даврасида бўлиб ўтди.



Тадбирда сўзга чиққанлар жамоанинг маънавий ҳаётимизни янада ривожлантиришга қўшаётган кенг кўламли тарғибот ишлари, жамиятимизда театр маданиятини юксалтиришдаги устоз – шогирд анъаналари таҳсинга лойиқ эканини таъкидлашди. Шунингдек, миллий театримиз бошқа барча жамоалар учун ижодий маёқ вазифасини бажариши лозимлиги, унинг бошқа театрлар билан ижодий ҳамкорлик қилиши соҳадаги муаммоларнинг ечим топишида муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Мазкур масканда республикамизнинг энг моҳир актёрлари, режиссёрлари, драматурглари фаолият олиб боришади. Буни репертуар хилма–хиллигининг ўзидаёқ кўриш мумкин. Аммо ҳалигача "замон қаҳрамони" образи муаммолигича қолмоқда. Энди ўйлаб кўрайлик, шу пайтгача республикамизнинг кўплаб театрларида бинонинг талабга жавоб бермаслиги, кадрлар масаласи, маблағ етишмаслиги ва ҳоказо важлар кўрсатиларди. Бугунга келиб бу масалалар ўз ечимини топмоқда, деб бемалол айтишимиз мумкин. Гап ижодда қолмаяптимикин?!

Марказимиз билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда театр раҳбари Ф.Маъсудов "Санъаткорлар олдида турган вазифалар моҳиятини тўғри англашимиз, бир ёқадан бош чиқаришимиз лозим. Энг аввало, ўзимизнинг, кейин оила аъзоларимизнинг маънавияти юксак бўлишига эришмас эканмиз, ижодда олға интилишга оқсашда давом этаверамиз. Шунинг учун бу масалаларни четлаб ўтишга ҳаққимиз йўқ!" дея алоҳида таъкидлагани йиғилганларга манзур бўлди. Ўзбекистон халқ артистлари Ё.Аҳмедов, Ё.Саъдиев, М.Абдуқундузов, М.Иброҳимова, З.Ашурова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ.Комилов, Р.Ярашева, С.Раметова, актёрлар Т.Мўминов, И.Отажонов, Б.Юсуповлар ҳам саҳна санъатини юксалтириш, бу жараёнда ким нима қилиши лозимлиги, белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси борасидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

**Азизбек ҚУРБОНОВ,**
**Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси**

# КИБРУ ҲАВО НИМАГА КЕРАК?!.

**Ҳар бир миллатда бўлгани каби бизнинг ҳам ўз қадриятларимиз, одоб-ахлоқ қоидаларимиз, менталитетимиз, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналаримиз, маросимларимиз бор. Асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб бизгача етиб келган халқимизнинг маънавияти ва маданиятидан дарак берувчи ушбу анъаналарни эъзозлаб, ҳурмат қилганлар ҳусни хулқ эгаларидир. Афсуски, сўнгги йилларда андиша, ҳамият, уят, ор-номус, виждон, самимият, сахийлик, ростгўйлик, соддалик, катталарга ҳурмат каби энг қимматли инсоний туйғулар камёб бўлиб бораётгани, соф туйғулар ўрнини худбинлик, шафқатсизлик, ҳасад, манманлик, кибру ҳаво эгаллаб олаётгани сир бўлмай қолди. Бу каби иллатларнинг урчиши, шубҳасиз, ёшлар маънавиятининг қашшоқлашига сабаб бўлади.**

Мулоҳаза

Энг ачинарлиси, санъат аҳлида, хонандаларда ана шу иллатлар тобора бўй кўрсатаётир. Ваҳоланки, айнан улар фаолияти кўплаб мухлисларнинг, халқнинг эътиборига тушади. Санъаткор, ҳусусан, хонанда элга танилдими, унинг хатти-ҳаракати, муомала маданияти, кийиниши, хулқи, одоби, сўзлаётган сўзигача эл назарида бўлади. Айниқса, бугунги кун ёшлари ўзига ёққан хонандага тақлид қилади. Дейлик, унинг қўшиғи матнига, ижросига, истеъдодига эмас, кийиниши, соч турмаклари, ташқи қиёфасига кўпроқ аҳамият беришади. Яъни шакл мазмундан устун келади. Сабаби, мазмунни тўла-тўкис англаш учун ёшларнинг диди, савияси, мушоҳада маданияти ҳали тўла шаклланмаган бўлади.

Хўш, хонандалар масаланинг бу жиҳати ҳақида ўйлаб кўришадими? Афсуски, хонандаларнинг ўзлари бугун тарбияга муҳтож. Битта қўшиқ куйлаб-куйламай манманликка, кибру ҳавога берилиб кетаётган, ўзидан бошқани назар-писанд қилмайдиган ёш хонандалар кўпайиб боряпти. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов бир воқеани гапириб берди. Муҳриддин Холиқов базмларда, тўй-томошаларда бирон истеъдодли хонанда ё созандани учратиб қолса, дарров уни чақиртириб, бир қўшиқ куйлаб беришини ё соз чалишни илтимос қилар экан. Агар росмана истеъдодли бўлса, бир мухлис сифатида тан берарkан. Таниқли санъаткорларнинг деярли ҳаммасида учрайдиган бу каби тантилик, беғуборлик, ёшларга иззат-ҳурмат, албатта, ҳар бир хонанда учун ибрат бўлмоғи керак. Бироқ ёш хонандалар устозлардан маслаҳат олиш, бирор қўшиқни изн сўраб айтиш, хато қилган бўлса узр сўраш каби шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишмаяпти. (Мумтоз ашулачилик йўлида таҳсил олаётган айрим ижрочилар бундан мустасно.) Масалан, ёш хонанда Шоҳруххон Муҳриддин Холиқовнинг "Комила қиз" қўшиғини бузиб ижро этди. Қўшиқ ўртасида реп йўналиши ҳам учрайди. Ҳолбуки, устоз санъаткор мукаммал ижро этган қўшиқни бузиб айтишга маънавий ҳаққи йўқ эди. Бундай пайтда ё аслидагидек қойиллатиб айтиш, ё бўлмаса, мутлақо бошқа мусиқага солиш керак. Очиғи, бугун саҳнага чиқаётган ёшларнинг иддаолари жуда катта. Яқинда бир режиссёр акамиз куюниб гапириб қолди. Хонанда Жасур Умиров концерт дастурида коптокни саҳнадан туриб мухлисларига тепиб улоқтирибди. Копток кимнинг қўлига тушса, ўшаники бўлибди. Бу манзарани қандай изоҳлаш мумкин. Қани бу ерда саҳна одоби, унинг муқаддаслиги! Кези келганда, Жаҳонгир Фозилжоновнинг "Тошканжон — Андижон", "Жонона", "Зеро" гуруҳининг "Йўқ проблем" каби хиргойилари (қўшиқ деб бўлмайди) ҳам ҳеч қандай бадиий қийматга эга эмаслигини айтиш жоиз.

Тўй-томошаларда навбат талашиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилмайдиган айрим хонандалар ҳақида эшитиб қоламиз. Сен эмас мен, деб навбат талашаётган хонандаларда қани ғурур, қани ўзаро ҳурмат?! Таассуфки, бугун тўғри танқид хонандаларга ёқмай қолган. Агар одоб, андиша ҳақида бирон-бир сўз очиб қолсанг, дарров энсаси қотади. Бу ҳам одобсизликнинг бир кўриниши. Кузатувларимиз жараёнида яна бир "ғалати" ҳолатга дуч келдик. Бир тўйда бошловчи номи чиққан ёш хонандалардан бирини даврага таклиф қилди. У ҳадеганда чиқавермади. Бошловчи хонандага қараб, чиқинг деса, у қарсак кам бўлди, кўпроқ чалишсин, кейин чиқаман, деб ноз-истиғно қилиб тураверди. Бошловчи уни кўкларга кўтариб, яна даврага чорлади. Бу сафар ҳам чиқмади. Хуллас, учинчи марта чорловдан сўнг манманлик билан атрофга аланг-жаланг қараб даврага чиқиб келди. Воқеадан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Ўрни келганда ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидан қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: **"...Аммо хонанда ва созандаларнинг саёқлари, гарчи ғамни тарқатувчи, шодлик тарқатувчи бўлсалар ҳам, ҳақиқатда пасткаш ва тиланчилардир. Бундай ашулачи ва чолғучилар зорланиб ва ялинчоқлик билан пул топадилар... Уларнинг кўпчилиги ахлоқсиз, бадфеъл, қолганлари ҳам ўлгудай қайсар ва дағал сўзли бўладилар. Ҳаракатлари ҳаддан ташқари тутуруқсиз сўзларидек, гаплари эса бемаҳал нозларидек, улар вафо деган фазилатдан бенасиб қолганлар...."**. Бундан ортиқ изоҳ ва таъриф бўлмаса керак.

XI асрда яшаган Кайковуснинг машҳур "Қобуснома" асарида ("Ҳофиз ва созандалар" бобида) айнан хонандаларга ибрат бўладиган панд-насиҳатни ёзиб қолдирган: **"Эй фарзанд, агар ҳофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, хушрўй ва хуш забон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, ярамас хулқ, қўпол башара бўлмағил..."**

Санъаткор одоби ҳақида сўз юритар эканмиз, бу борада устоз санъаткорларнинг ҳаёт йўлига ҳам бир қур назар солсак ёмон бўлмасди.

Халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг ушбу ҳикматли, ибратомуз сўзлари ҳам бугунги ёш хонандаю созандалар учун қимматлидир: ***"Кибру ҳавога, манманликка берилган хонанда эл назаридан тез тушади. Одамлар унинг ўзини ҳам, қўшиғини ҳам соғинмай қўяди. Бундан ёмони йўқ! Санъат кишиси адабиётни билиши, кўп китоб ўқиши, шоирлар, адиблар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туриши керак".***

Хуллас, санъаткор том маънода зиёли шахс бўлиши зарур. Шуни назарда тутиб "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида санъаткор одоб-ахлоқи, кийиниш, муомала маданияти, тўй-ҳашамларда ўзини тутиши хусусида йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам ўтказиб боряпти. Баъзи хонандалар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, "оммавий маданият"ни тарғиб этишга хизмат қилаётганлар лицензиядан маҳрум қилиняпти.

Бизга кўпинча миллий менталитетимизга, одоб-ахлоқ меъёрларимизга тўғри келмайдиган клиплар экранларга чиқиб кетаётгани, умумий овқатланиш муассасаларида, поездлар, автобусларда кўрсатилаётгани ҳақида эътирозлар билдирилади. Аввало шуни айтиш керакки, "Ўзбекконцерт" клипларни назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу ерда фақат қўшиқ ва рақсларга лицензия берилади. Агар бемаъни клиплар телеэкран орқали кетаётган бўлса, унда шу каналларнинг бадиий кенгаши жавоб бериши керак. Қўшиқлар ҳақида ҳам шу гап. Лицензия хонандага репертуаридаги барча қўшиқлар учун берилмайди. Бу кенгашда таниқли санъаткорлар, шоирлар, мутахассислар иш олиб боради. Лицензия олувчи кенгашга уч-ёки тўртта қўшиғини олиб келади ва булар аксарият талабга жавоб берувчи ижролар бўлади. Радио, телевидениедаги масъул шахслар лицензияси бор экан, деб хонанданинг истаган қўшиғини бериб юбормаслиги керак. Ахир, улардаги Бадиий кенгашларда ҳам мутахассислар бор. Наҳотки қўшиқнинг фарқига боришмаса?!

Энг аввало, ҳар бир хонанда айтаётган қўшиғининг эгаси. Асосий масъулият унинг зиммасида. Истеъдод Яратганнинг унга инъоми. Истеъдодини қадрламас экан, ўзи ҳам қадрини йўқотади. Таниқли ҳофиз Фахриддин Умаров айтганидек: "Ҳақиқий санъаткор дидли, фаҳм-фаросатли бўлади, ўз ўрнини билади, қадр-қимматини туширмайди... Санъат даргоҳини муқаддас деб билади. Санъат ўз ишига фидойи инсонларни улуғлайди".

**Матлуба МАҲКАМОВА**

# "ҚАРО КЎЗИМ", "САЙҚАЛ", ҚАЙДАСИЗ?

Луқма

Қаричилик, уйқусиз тунларда, тонг отарда барака топкур алоқа муҳандислари ўйлаб топган икки "тугмачани" қулоқларимга илинтириб, қўл телефонимдан радио тинглайман. Сутканинг шу соатларида мумтоз оромбахш куй-қўшиқлар янграйди. Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳабибий, Собир Абдулла ва бошқалар, яхшиямки, ғазалларида номларини ёзиб қолдирганлар. Лекин уларнинг шеърларига куй басталаган муаллиф ва ижрочи номлари айтилмайди.

Авваллари ҳовлиларнинг ҳар ерида, дала шийпонларида куну тун радиорепродукторлар "сайраб" турар, берилаётган куй-қўшиқлар ва ижодкорлар номлари айтиларди. Радиода қўшиқлар янграса, "Ана Ҳалима Носирова, Фотима Бўрухова куйламоқда", дердик. Дуторни моҳирона чалиб, қўшиқ айтган аёл товушини эшитсак "Мавлуда Аъзамова", деб ҳамма тан оларди. Бетакрор Маъмуржон Узоқов, Мулла Тўйчи, Саодат Қобулова, Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Насим Ҳошимовларнинг овозини ҳамма танирди. Чунки авваллари қўшиқ ёки куйнинг номи, муаллифлари ва ижрочисининг номи, албатта, эълон қилинарди. Ёдда қоларди. Энди-чи, мириқиб қўшиқни тинглаб ўтириб, ким ижро этаётганини бир зумда эслай олмайсиз, адашиб кетасиз. Ҳозиргидек ҳолат давом этаверса, барча қўшиқ ва куй ёзувчи муаллифларни ҳеч ким танимай қолади. Ҳозир 40-45 атрофидагилар, менингча, "Чўли Ироқни", "Муножот"ни, "Қора кўзим"ни, "Суратинг" ва бошқа мумтоз ашулалар муаллифларини билмаса керак.

Республикамиз радиосининг "Пойтахт", "Маҳалла", "Радио Гранд", "Биринчи мусиқий", "Водий садоси", "Радио классик", айниқса, "Орият — Доно" бошловчилари узундан-узоқ, бир қолипдаги кириш сўзларини ҳар ярим соатда қайтариш ўрнига куй-қўшиқ номларини, ижодкорларини айтса бўлади-ку. Фонотекада ҳамма маълумот бор, фақат эринмаслик керак. Шунда камина ҳам "Ёлғиз" ва "Сайқал" куйларини адаштирмай билиб олган бўлардим.

**Эркин ИБРОҲИМОВ**
*Тошкент шаҳри*

# ИШОНЧ ВА ИЙМОН

Мунособат

Лев Толстойнинг "Иймон ҳаётнинг кудратидир. Иймонсиз яшаб бўлмайди" деган даъвати бир асрдан кўпроқ вакт бурун айтилганига қарамай, бугун ҳам Ер юзидаги жамики инсон фарзандлари учун долзарб аҳамият касб этаётгани буюк адибнинг беқиёс башорат соҳиби эканини яна бир бор исботлаб турибди. Дунёда динлар, турли эътиқодлар кўп, лекин уларнинг барини ёлғиз Парвардигорга бўлган ишонч ва иймон бирлаштириб туради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти ҳамда азалий қадриятларимиз ифодаси бўлган бу дин бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишини таъкидлаб, барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сургани турли миллат вакиллари қадимдан ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келаётган, эндиликда миллий қадриятлари тикланган Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамияти эътиборини ниҳоятда ошириб юборди. Юртимизнинг халқаро кўламдаги обрў-эътибори янада мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ анжуманидаги ана шу тарихий нутқидан кўп ўтмай Рус православ черковининг Москва Патриархати делегацияси Ўзбекистонга келиши ҳам бежиз эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилиб, мартабали меҳмонни кутлар экан, мазкур ташриф мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона алоқаларни, шунингдек, мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратди. Бугун юртимизда 130дан ортиқ миллат ва элат, 16 конфессия вакиллари бир оиладек аҳил-инок яшамокда. Уларнинг ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. 138 миллий маданий марказ фаолият олиб бормоқда, Тошкентда Дўстлик уйи ва Дўстлик боғи барпо этилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган. Тошкентдаги Ислом университети ва институти, тўққиз мадраса, православ ва протестант семинариялари ёшлар ўртасида диний таълим ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди. Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл миллатлараро тинчлик-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонда Рус православ черкови фаолиятига кўрсатилаётган эътибор ва кўмак, христиан динига эътиқод қилувчиларнинг тўлақонли маънавий ҳаёти йўлида яратилган шароитлардан ғоят хурсанд бўлганини таъкидлади. Патриарх Кирилл Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Москва Патриархати делегацияси Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, муқаддас қадамжо ва тарихий обидалар билан танишди. Мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминлангани, барча дин вакиллари ўз диний қадриятларини давом эттириши учун кенг имкониятлар яратилгани юксак мамнуният билан эътироф этилди.

**Ўз мухбиримиз.**



# УСТОЗНИНГ "РИЗҚ ДАРАХТИ"

Эҳтиром

Ижодкор ўз ижодининг маълум нуқтасига етганида одамларга айтадиган гапи кўп бўлади. Аҳмаджон аканинг сўнгги йилларда чоп этилган китоблари бунинг далилидир. Хусусан, ҳозир қўлимизда турган китоб устоз публицистнинг кўрган-билганлари асосида ёзилган бўлиб, унда тилга олинган одамларнинг энг керакли хислатлари содда, самимий тарзда тасвирлаб берилган. Таниқли адабиётшунос олим Зуҳриддин Исомиддиновнинг ушбу эътирофи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган таниқли публицист, "Дўстлик" ордени соҳиби Аҳмаджон Мелибоев қаламига мансуб "Ризқ дарахти" номли китоби тақдимотида айтилди.

"Илм эрур дардимизнинг чораси", "Бир кам дунё", "Кўнгил мулкидан парчалар", "Йўллар, йўлдошлар", "Ҳамқишлоқлар" каби беш бўлимдан иборат бу китоб "Ўзбекистон" НМИУ томонидан чоп этилган бўлиб, унга Жамшид Матёқубов муҳаррирлик қилган.

Тақдимот маросимини очган таниқли шоир Шукур Қурбон китобнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталди. Анжуманни олиб борган "Ўзбекистон" НМИУ бош муҳаррири Азимбой Бобониёзов ўз сўзида мазкур китобнинг чоп этилиши маданий ҳаётимизда воқеа бўлганини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққан таниқли ёзувчи Исажон Султон, профессор Абдулла Аъзамов, адабиётшунос олим Адҳам Алимбеков, олим Абдураҳим Умаров, таниқли журналист Камол Матёқубов ва бошқалар бугунги кунда Аҳмаджон Мелибоев ижодда ҳам, мураббийликда ҳам кўп хайрли ишларни амалга ошираётгани ҳақида гапиришди. "Ризқ дарахти" китобининг содда ва самимий услуби, воқеа-ҳодисалар ўқишли тилда ёзилгани билан китобхонларга маъкул бўлиши айтиб ўтилди.

**Ўз ахборотимиз.**

**Искандар РАҲМОН**



Искандар Раҳмон 1937 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1955 йиллардан буён бадиий ижод билан шуғулланиб келади. Уни чин маънода адабиёт ошиғи дейиш мумкин. Ўтган давр мобайнида "Оқ либосли халоскорлар", "Йўлдаги гуллар", "Мард меҳри – Ватан сеҳри", икки жилддан иборат "Ижод гулшани" асарлар тўплами, "Оловли гулдаста" сингари ўнлаб китоблари чоп этилди. Искандар Раҳмон – табиатан қўшиқнавис ижодкор. Ижодкорнинг кўплаб жанговар қўшиқлари «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловлари совринларига сазовор бўлган.

# ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Садоқат

## ЙИГИТЛАР

**Ўзбекистон оламда
Мардлар юрти, макони.
Элларaро тинчликнинг
Метин қалъа, қўрғони.**

**Амир Темур авлоди
Яшар бунда ҳур, озод!
Обод юртни кўз каби
Асрар, элни айлаб шод!**

**Ҳушёр турар сафларда
Энг сара, мард йигитлар.
Она Ватан шаънига
Юқтирмас гард йигитлар.**

**Элнинг фахри, ғурури,
Ифтихори йигитлар.
Гвардия шунқори,
Байроқдори йигитлар.**

**Гвардия — тинчликнинг
Энг мустаҳкам гарови.
Эл, армия бирлигин
Олий рамзи, ялови!**

**Миллий гвардиямиз
Зафар қучсин, бор бўлсин!
Олам узра ҳамиша
Тинчлик барқарор бўлсин!**

## ШУКРОНА

**Шукрона айтамиз қутлуғ кунларга,
Маъною мазмунга тўлуғ кунларга,
Фаровон, нурафшон, улуғ кунларга,
Эй озод диёрим, Ўзбекистоним,
Эй обод диёрим, Ўзбекистоним.**

**Мўйсафид Шарқимиз машъалидирсан,
Ой, қуёш, юлдузлар сайқалидирсан,
Оламга юз очган буюк элдирсан,
Эй озод диёрим, Ўзбекистоним,
Эй обод диёрим, Ўзбекистоним.**

**Авлодлар умиди, орзу-армони,
Маърифат бўстони, эзгу достони,
Дўстлигу тинчликнинг метин қўрғони,
Эй озод диёрим, Ўзбекистоним,
Эй обод диёрим, Ўзбекистоним.**

**Оромингни бузса кимки ногаҳон,
Шармисор бўлғуси, топмагай омон.
Шарафинг сақлашга шаймиз ҳар қачон,
Эй озод диёрим, Ўзбекистоним,
Эй обод диёрим, Ўзбекистоним.**

**Бахтлисан, бошингда нур сочар қуёш,
Қаторда норинг бор, бисёр дўст, йўлдош,
Искандар тилаги: минг-минг ёшдан ош!
Эй озод диёрим, Ўзбекистоним,
Эй обод диёрим, Ўзбекистоним.**

## ИЗҲОР

**Дил изҳорим сенга она-Ватаним,
Ёлғизим — ягонам, эй саждагоҳим!
Қалбимда сен учун бор не инжулар,
Билсайдинг дурдонам, эй саждагоҳим!**

**Шафтоли гулидек пушти либосинг,
Ўзингдек бокира, ўзингдек ҳарир!
Атиргул ғунчаси янглиғ нафиссан,
Бўй-бастинг кўрганда қиламан ҳузур!**

**Тинчлигинг қўриқлаб сарҳадларингда
Ҳамиша бедорман, огоҳ — ҳушёрман.
Сарбонинг сафида камарбастангман,
Измингга тайёрман, аҳдимда борман!**

**Саодат йўлида қўлла-қувватла,
Халқим, Ватанимни, қодир Оллоҳим.
Гуллагай, яшнагай, Ўзбекистоним,
Онадай муқаддас бу саждагоҳим!**

# Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "ЭНГ ЁМОН КИТОБ" – антирекорд ижтимоий лойиҳасини амалга оширади

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август куни Ўзбекистон зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда "Айни пайтда маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқаётгани, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз асарларнинг бозори чаққон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди", дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадиий, сиёсий адабиётларни кўпайтиришга қаратилган олижаноб ҳаракатларнинг обрўсизланишига олиб келадиган енгил-елпи, бадиий жиҳатдан саёз, ўқувчининг дидини ўтмаслаштирадиган, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган, миллий қадриятларимизга зид, китоб деган мўътабар тушунчанинг қадрини тушираётган, ғоявий ҳамда матбаа сифати паст маҳсулотлар, афсуски, йўқ эмас.

Ҳеч кимнинг халқ маънавиятини, ёшлар онгу тафаккурини сотиб бизнес қилишга ҳаққи йўқ. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги республикамизда халқимиз, айниқса, ёш авлод вакилларини бўлар-бўлмас, сийқаси чиқиб кетган сюжетлар асосига қурилган, ўқувчининг вақтини ўғирлайдиган китоблардан огоҳлантириш мақсадида **"Энг ёмон китоб"** — антирекорд лойиҳасини эълон қилади.

Бундай китоблар рўйхатига асосан қуйидаги камчилик ва нуқсонлари бор китоблар киритилиши лозим:

— мазмуни саёз;

— тили қашшоқ;

— матнда ўзбек адабий тили (имло ва мантиқ) қоидалари бузилган;

— сўзларнинг қурилиши ғализ;

— асар сюжетининг сийқалиги;

— асар бадииятининг ночорлиги, муаллифнинг маҳоратсизлиги ;

— китобнинг ўқувчига маънавий озуқа бермаслиги;

— муқова ва бошқа саҳифаларда миллийликдан умуман йироқ, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган суратларнинг берилиши;

— китобда беҳаё саҳналарнинг бепарда тасвирлангани ва ҳоказолар.

**"Энг ёмон китоб"** — антирекорд лойиҳасида номлари энг кўп тилга олинган китоблар Агентликнинг api.uz сайтида ва kun.uz, daryo.uz, sharh.uz, qalampir.uz сингари сайтларда ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Оила даврасида", "Ёшлар овози", "Китоб дунёси" газеталари ва "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Маънавий ҳаёт" журналларида бериб борилади. Қолаверса, бундай китобларга "Муштум" журнали ва "Ҳуррият" газетасида танқидий тақризлар, пародия ва фельетонлар ёзилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ўзини шу юртнинг жонкуяр вакилиман, Ватаним ва ёшлар келажагига масъулман, деган чин фуқаролик позициясига эга китобхонларни ушбу лойиҳада фаол иштирок этишга чақиради. Ўқиган китобларингизда юқорида санаб ўтилган хато ва камчиликларни топсангиз, бу ҳақда бизга ёзиб юборинг.

**Маълумотларни info@api.uz ёки jangirov@api.uz электрон почтасига юборишингиз мумкин.**

# БОЛАЛАРГА ҲИКМАТ АЙТИНГ



Болалар учун мўлжалланган "Буюк салоҳият соҳиби ёхуд Темурбекнинг минг олтинга сотиб олган ҳикмати" номли китоб ("Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи) соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб чоп этилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб ушбу китоб фарзандларимиз мутолаа қилишлари учун қулай бўлиб, унда ёш авлодга ибратли, содда тилда баён қилинган ҳикоятлар берилган.

Китобнинг биринчи нашри ("Ўзбекистон" НМИУ) "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловида тақдирланган. Рассом Ойзода Жуманиёз ишлаган суратлар болаларнинг қизиқишини янада ошириши, шубҳасиз. Китоб саҳифаларида берилган изоҳлар ҳам эътиборга молик.

Китобнинг ўқишли чиқишида масъул муҳаррир, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Ҳ.Файзиев, муҳаррир С.Хўжааҳмедов, бадиий муҳаррир Ш.Одилов ва бошқаларнинг хизматини таъкидлаш жоиз.

**Дилноза АБДУЛЛАЕВА,
Темурийлар тарихи давлат музейи ходими**

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК ТАЛОФАТ КЕЛТИРМАСИН

Огоҳлик

Кундалик турмушимизда "зангори олов", электр иситиш жиҳозлари кенг қўлланади. Айниқса, куз-қиш мавсумида уларга эҳтиёж ортади. Октябрь ойининг охирги ҳафталарида эса хазонрезги бошланади. Демак, ёнғинга қарши кураш, хавфдан доимо огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланади.

Акс ҳолда озгина эътиборсизлик туфайли содир бўлган ёнғин нафақат оилага, давлатга моддий талофат, балки инсон соғлиғига ҳам катта зарар етказади.

Ана шундай нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган иситиш мосламаларининг мўрилари йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Уларнинг ёнида тез алангаланадиган суюқликларни сақлаш мумкин эмас. Кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, ўзидан зарарли моддаларни чиқариши билан ҳам хавфли. Куз, қиш мавсумларида нафақат иншоотлар, идораю ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида зарурий чора-тадбирларни кўриши зарур. Яъни электр симлари, иситиш тармоқлари обдон текширилиб, носоз жойлари таъмирланиши, бирламчи ўт ўчириш воситалари жамланган стендлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги пайтда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан огоҳ этувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали эса ёнғин туфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

**З.ҒАФУРОВ, Б.ЧИНАЗБЕКОВ,
ёнғинга қарши кураш хизмати ходимлари**


## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Ижтимоий ва гуманитар фанлар, Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият, Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги кафедраларига кафедра мудири (1), Мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедрасига профессор, катта ўқитувчи (1), Қўғирчоқ театри санъати кафедрасига профессор, катта ўқитувчи (1), Саҳна нутқи кафедрасига профессор, доцент (1)**

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимнинг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: 100164,
Тошкент ш., Яланғоч даҳаси,
127-«а» уй.
Телефонлар:
230-28-02, 230-28-11, (+93)576-55-08.



## ЭЪЛОН

1. Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси объект ва қурилмаларни жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани М.Улуғбек кўчаси, 2-уй. Таъмир ишлари учун Қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, ҳозирги нархда 239 032 260 сўм тўлаш назарда тутилган.

2. Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси Мусиқа саройининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани М.Улуғбек кўчаси, 2-уй. Таъмир ишлари учун Қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, ҳозирги нархда 255 257 633 сўм тўлаш назарда тутилган.


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Момохол Элмуродовага турмуш ўртоғи

**Парда БЎТАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86* *Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азизхон ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.25

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3359. Буюртма Г — 1082. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5 6*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X